# Ийд ал-Фитр — Рамазон ҳайити муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 11-oktabr, № 41 (562)

Тадбир





## Ҳуқуқий мулоқот зарурияти

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва жиноий жазоларни либераллаштириш босқичи тўлақонли амалга оширилаётир. Буни соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар замирида ҳам кўриш мумкин. Тизимдаги ўзгаришларни оммага янада чуқурроқ тушунтириш, янги қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларини тарғиб қилишда эса жойларда ўтказилаётган ҳуқуқий ташвиқот тадбирларининг аҳамияти каттадир.

Сешанба куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаба-ёшлар билан бўлиб ўтган мулоқот ҳам шундай тадбирлардан бири бўлди. «Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида қатнашган Республика Бош прокуратураси масъул ходимлари Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши муносабати билан қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини талабаларга атрофлича тушунтириб ўтдилар.

Унда сўзга чиққан Тошкент вилоят прокурорининг ўринбосари Ю.Ғоипов қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг қай тартибда суд органларига ўтказилиши ва бу соҳадаги бошқа бир қатор ўзгаришларни мисоллар билан тушунтириб берди. Шунингдек, Бош прокуратура бошқарма бошлиғи И.Жасимов ўлим жазосини бекор қилиш, янги тизимнинг жамиятда қай тартибда жорий этилиши ва ундан кўзланган мақсадларни амалий мисолларга таянган ҳолда шарҳлаб ўтди.

Очиқ мулоқот давомида профессор-ўқитувчилар, талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Тоҳир АЗАМАТОВ,**
**Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори**

Назорат

## Солиқ бурч демакдир

**СВОЖЖДЛКК департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси ходимлари томонидан фойда ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш каби ҳолатларга қарши мунтазам равишда чора-тадбирлар қўлланилмоқда.**

Жумладан, ўтган даврда айнан шу турдаги жиноий ҳаракатларни содир этган турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг 40 нафар мансабдор шахсларига нисбатан 36 та жиноят иши қўзғатилиб, уларга нисбатан жами 387 млн. 975 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланди. Ушбу солиқларнинг 53 млн. 466 минг сўми давлат бюджетига ундирилиб, 67 млн. 855 минг сўм молиявий жарима хўжалик судлари томонидан қўлланилди.

Хусусан, департаментнинг Термиз шаҳар бўлими ходимлари томонидан Термиз шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Қувват» хусусий фирмаси фаолияти текширилганди.

**(Давоми 2-бетда).**

Фармон ва ижро

## Инсон ҳаёти — олий неъмат

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мақсади инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида суд-ҳокимиятининг нуфузини, судларнинг инсонпарвар ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишдир.

Олий Мажлис Сенатининг жорий йилнинг 29-30 июнь кунлари бўлиб ўтган ўнинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар ҳам ана шундай ислоҳотларнинг бир кўринишидир. Таъкидлаш жоизки, ўнинчи ялпи мажлис кун тартибига қўйилган ҳар бир масала долзарблиги жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Шулар орасида «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни алоҳида аҳамият касб этади.

Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги Фармонига мувофиқ 2008 йил 1 январдан эътиборан мамлакатимизда ўлим жазоси бутунлай бекор қилинади.

1985 йилдан кейин халқаро ҳамжамиятнинг эътибори мамлакатлар қонунчилигида ўлим жазосини бекор қилиш масаласига қаратилди. Лекин улар жазоларни эркинлаштириш, енгиллаштириш ҳақида гапирмасдан, фақат ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида гапириб келдилар. Шундан сўнг кўпгина мамлакатлар бу жазони ўз қонунчилигидан олиб ташлади. Лекин улар бу жазони нима учун олиб ташлашди, бунда асосий мақсад нима эди? Биринчидан, халқаро ташкилотларга қўшилиш, аъзо бўлиш, уларга яхши кўриниш бўлса, иккинчидан, турли имтиёзлар олиш кўзда тутиларди. Турган гапки, шу мақсадларда бу жазони кўр-кўрона олиб ташлаган мамлакатлар ҳам кўп бўлди. Ваҳоланки, у ердаги халқ, жамоатчилик, мамлакатдаги жиноятнинг аҳволи бунга тайёр эмас эди.

Агар Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишдан асосий мақсад унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини, нуфузини ошириш бўлганида, бу ишни эртароқ, сунъий равишда амалга ошириш ҳам мумкин эди. Конституциямизда таъкидланганидек, инсон ҳаётига тажовуз қилиш, бу — оғир жиноят. Энди эътибор беринг. Судларда ҳукмлар Ўзбекистон Республикаси номидан ўқилади. Инсон ҳаётига тажовуз қилиш оғир жиноят десак-да, яна Ўзбекистон Республикаси номидан инсонни ўлим жазосига ҳукм қилсак, бунда қандай мантиқ бўлади?! Мен ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги Фармонни инсонийлик ҳақидаги, инсоннинг қадр-қимматини янада улуғлашга қаратилган Фармон деган бўлар эдим.

БМТ томонидан 1966 йилда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пактнинг 6-моддаси 4-бандида амнистия, авф этиш ёки ўлим ҳукмини алмаштириш ҳамма ҳолатларда туҳфа этилиши мумкинлиги белгиланган. Қабул қилинган қонунда ушбу халқаро нормаларга мос равишда умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан авф этиш тартиби қуйидагича белгиланган:

«Авф тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузатиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва таълимга нисбатан виждоний муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган ҳолларда эса тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин берилиши мумкин».

Қонунчиликда бу ҳолатларнинг қатъий белгилаб қўйилиши, бир тарафдан, жазони ўтаётган шахс тузалиш йўлига ўтган тақдирда инсонпарварлик тамойили асосида унга нисбатан енгиллик берилишини намоён қилса, иккинчи тарафдан, ўта оғир жиноят содир этганлиги учун жазонинг камида йигирма йилини ўташи шартлигини жорий этди. Жиноий жазолар тизимига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг киритилиши жиноят ижроия қонунчилигида ҳам айрим ўзгаришларга олиб келди. Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган маҳкумлар жазони махсус сақлаш шароитларига эга бўлган махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

Инсон ва унинг қадр-қиммати улуғланадиган юртимизда инсонпарварлик мезонларининг устуворлиги аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган қадрият ва анъаналаримизнинг ажралмас қисмидир. Бундай инсонпарварлик ва адолат мезонлари билан уйғунлашган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари эса, албатта, юртимиз равнақи учун хизмат қилади.

**Шавкат РАҲМАТОВ,**
**Бекобод туман прокурори**

**Муҳтарам муштарийлар!** **«Huquq» газетасига 2008 йил учун обуна бошланди. Таҳририят жамоаси келаётган йилда ҳам ҳуқуқий маърифат улашишда давом этади. Индексимиз — 231**

# Солиқ бурч демакдир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу фирма томонидан 2006 йилда 131 млн. 573 минг сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса-да, фирма раҳбари Т.Амонтурдиев шаҳар ДСИга топширган ҳисоботида 76 млн. 34 минг сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари бажарилганлигини кўрсатгани маълум бўлди.

Бу билан Т.Амонтурдиев ҳисоботда бажарилган ишларни 55 млн. 539 минг сўмга камайтириб, 13 фоизлик ягона солиқ ставкаси бўйича жами 7 млн. 220 минг сўм солиқ тўловини тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Тўхтамурод Амонтурдиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ундан 7 млн. 220 минг сўм қўшимча солиқ давлат бюджетига ундириб олинди.

Шунингдек, Шеробод туманида фаолият кўрсатиб келаётган «Навбоғ» хусусий фирмасининг фаолияти текширилганда, бу ерда ҳам ноқонуний ишлар юзага қалқиб чиқди. Ушбу фирма томонидан Термиз нефт база унитар корхонаси «Болдир» филиалидан 36 млн. 235 минг сўмлик ёқилғи мойлаш материаллари олиниб, нақд пулга сотилган. Савдодан тушган жами 45 млн. 104,4 минг сўм нақд пул банкдаги махсус ҳисоб рақамига топширилган. Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек. Лекин Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2002 йил 3 январдаги қарорига кўра «Навбоғ» хусусий фирмаси тушумлардан ҳар 15 кунда истеъмол солиғини алоҳида ҳисоб рақамига ўтказиб, кейин бюджетга тўлаши лозим эди. Фирма эса 30 млн. 332,7 минг сўм миқдордаги истеъмол солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган. Айблор деб топилган «Навбоғ» хусусий фирмаси бошлиғи Абдураҳмат Мухторов жиноий жавобгарликка тортилди.

Солиқсиз давлат ёки давлатсиз солиқ бўлмайди. Солиқ тўлашни савоб улашиш маъносида тушунишимиз лозим. Солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш жамиятда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Солиқлар миллий салоҳиятимиз юксалишига, келажагимиз равнақига сарфланади. Солиқлар давлат томонидан таълим-тарбияга, соғлиқни сақлашга, мудофаага, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришга сарфланади.

Шундай экан, ҳар бир фуқаро тўлаётган солиқлари билан халқимизнинг равнақи, буюк келажаги учун ўз ҳиссасини қўшаётганлигини англамоғи даркор.

**М.МАҲАММАДИЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

# Сохта тадбиркорлик

Тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилган киши аввал унинг йўл-йўриғини ўрганиб, фойдаси-ю, заҳматини тарозига солиб кўради. Тадбиркорликни эплаган, меҳнатидан қочмаган одам борки, ҳам ўзига, ҳам эл-юртга наф келтиради. Бундайларнинг ҳамиша дастурхони тўкин, юзи ёруғ бўлади.

Ҳукумат томонидан тадбиркорлик қўллаб-қувватланиб, кенг имкониятлар яратилаётган бир шароитда бу табиий. Бироқ, бунда шахсий манфаатини устун қўйиб, ноқонуний даромадга эга бўлишга интилувчилар ҳам учраб турибди. Тадбиркорликка сохтакорлик аралашдими у жиноят саналади. Жиноят эса жазосиз қолган эмас.

А.Саттаров ҳам яхши ниятлар билан масъулияти чекланган жамият таъсис этиб, уни «Пойтуғ таъминот» дея номлади. Аммо, ишлари юришиб, ҳисоб-рақамидаги пуллар кўпайган сари директорнинг ҳаловати йўқолди. Аввалига борига қаноат қилиб, қонун-қоидалардан четга чиқмай келаётган раҳбарга нима бўлди-ю, Избоскан туман ДСИга амалга оширилган молиявий фаолияти юзасидан ҳисоботларни тақдим этмади. Бу билан у жами 2006 йил учун 10 млн. 991 минг 500 сўм мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлайди.

Афсуски, А.Саттаров бундай ноқонуний хатти-ҳаракати билан чекланиб қолмади. Ўтган йили «Асакаёғ» ОАЖдан 144 млн. 449 минг 684 сўмлик пахта ёғини олиб чиқиб, буни нақд пулга сотади. Савдодан тушган пуллар кассага эмас киссага тушади. Ўтказилган ҳужжатли текширишда А.Саттаров солиқ ва мажбурий тўловлардан 55 млн. 497,2 минг сўмни қасддан яширганлиги аниқланди.

Шу тумандаги «Азиза-XXI» хусусий корхонаси раҳбарлари ҳам ана шундай олғир тадбиркорлардан чиқиб қолди. Корхона раҳбари К.Нуритдинов ва бош ҳисобчиси Х.Ҳакимовлар тўловлар учинчи шахслар ҳисобидан ундирилиши таъқиқланганлигига қарамасдан уч томонлама шартнома ва битимлар тузишади. Нафс домидаги раҳбарлар 2005-2006 йиллар давомида 1 млрд. 739 млн. 896 минг 900 сўмлик банкдан ташқари ўзаро ҳисоб-китоб операцияларини ўтказишади. Қонунга зид ҳаракатлари туфайли «Асакадонмаҳсулотлари» АЖ, «Андижонбиокимёзаводи» ОАЖ ва «Қўқонспирт» АЖ манфаатларига зарар етказишиб, уларнинг жуда кўп миқдордаги мулкини талон-тарож қилишади.

Бунлан ташқари, улар хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган уч томонлама битимлардан 287 млн. 834 минг 600 сўмини туман ДСИга тақдим этган ҳисоботида кўрсатишмайди. Натижада 7 млн. 771 миг 400 сўм солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашади. Корхонада ўтказилган ҳужжатли текширишда мансабдор шахслар томонидан солиқ ва мажбурий тўловлардан бюджетга 88 млн. 286,5 минг сўм тўланмаганлиги аниқланди.

Ҳозирги кунда ҳар икки юридик субъектлар раҳбарларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ҳаётда ҳар бир инсон, жумладан, тадбиркор ҳам фаровонликка интилиб яшайди. Бу табиий. Лекин иқтисодий жиноятлар ортидан келган фаровонлик вақтинча эканлигини унутмаслик керак.

**Холжўра ҚОДИРОВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи раҳбари**

# Ҳар ерни қилма орзу...

Ҳозирги пайтда даромадлироқ иш излаб чет элларга кетаётган кишилар оз эмас. Қаерга бориб ишлаш ҳар бир кишининг ўз ихтиёри, албатта. Лекин бошқа мамлакатларга ишга бораётганда тегишли давлат идораларига мурожаат қилиб, меҳнат шартномасини қонунан расмийлаштириш зарурлигини унутмаслик керак. Агар ҳаммаси қонуний бўлса, бунга ҳеч ким монелик қилмайди. Аммо хорижга ишга отланаётган аксарият фуқаролар белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилмай, нотайин кимсаларнинг фирибига учиб қолмоқдалар. Ишлайман деб бориб, бегона ўлкаларда иш ҳақини ололмай сарсон-саргардон бўлиб юрган юртдошларимиз кейинги вақтларда, афсуски, кўп учрамоқда.

Чироқчилик М.Худойназаров, Р.Файзиев, А.Қурбонов, К.Омонов, М.Файзиев, К.Равшанов каби йигитлар пул ишлаб келиш мақсадида қўшни Қозоғистон Республикасига ўтиб, кўп қийинчиликларни бошдан кечиришди. Улар тошкентлик Абдураҳмон Аҳмедходжаев деган фирибгарнинг «тузоғи»га тушганлигини ўзлари ҳам сезмай қолишди.

...Кунлардан бир кун Абдураҳмон Тошкентдаги Қўйлиқ бозорида Олим ва Мухтор исмли қозоқ йигитлар билан танишиб қолди. Шу ерда уларнинг гаплари қовушиб, Қозоғистон Республикасига одам ёллаб олиб бориб ишлатишга ўзаро келишиб олишади. Абдураҳмон одам топиш мақсадида Чироқчи туманига, поччасининг укаси Муродулла Худойназаровнинг уйига меҳмон бўлиб келади. Суҳбат асносида у Қозоғистонда сердаромад ишлар кўплигини айтиб, даврадаги йигитларни (уларни атайлаб чақиртириб келган эди) қизиқтира бошлайди:

— У ерда танишларим бор. Қурилиш қилмоқчи. Бирон ҳунари бор усталарга ойига 500 доллардан, қолганларга 300-350 доллардан ҳақ олиб беришга мана мен кафил. Қозоғистонга бориб ишласангиз, кам бўлмайсизлар.

Меҳмоннинг гапи йигитларни ўйлантириб қўйди.

— Йигит моли ерда деган гап бор, — деди ниҳоят улардан бири. — Қозоғистон тўрт қадам йўл. Бошқалар ундан нарига ҳам кетишаяпти-ку! Таваккал, бориб ишлаймиз...

Улар гапни бир жойга қўйишиб, эртасига Абдураҳмон билан бирга Тошкентга қараб йўл олишади. Манзилга етиб олишгач, Абдураҳмон ўзининг Ҳамза туманидаги уйи ёнидаги чойхонада уларни меҳмон қилиб, ҳозирча шу ерда ётиб турасизлар, дейди. Йигитлар чойхонада икки кун ётишади. Бу орада Абдураҳмон қозоғистонлик «саркорлар»ни топиб, уларга чироқчилик йигитларни «бор барака!» қилишга улгурган эди. Абдураҳмон билан бирга келган Олим исмли ёшроқ қозоқ йигит «ёлланма ишчилар»ни Остонага ишга олиб бормоқчи бўлиб, «ГазЕЛ» машинасида йўлга чиқишади. «Остонагача сизлар билан бирга бораман», деган Абдураҳмон Черняевка божхона постидан уларни ўтказиб қўйгач, шу ерда тушиб қолади. Олим ўзининг Туркистондаги уйида чироқчилик йигитларни бир ҳафта ушлаб тургач, «поездга билет оламан», деб уларнинг паспортларини йиғиштириб олади. Кейин Асқар деган қозоғистонлик йигит келиб, уларни машинада олиб кетади ва Актюбинск шаҳрининг 12-митти туманидаги кўп қаватли уй қурилишига олиб боради.

— Шу ерда ишлайсизлар. Сизларни мен сотиб олдим, — дейди у

— ... Қурилишнинг атрофи темир тўсиқ билан ўралган бўлиб, у ердан чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди, — деб гувоҳлик беради жабрланувчилардан бири М.Худойназаров. — У ерда биздан ташқари яна 45 нафар ўзбек йигити ишлаётган экан. Шароит оғир эди. Кундузи ишлаганимиз етмаганидек кечаси ҳам тиним билмасдик. Қурилишда ишлаётганларга қоровуллик қилиб турган қозоқ йигитлари бизлар билан жуда қўпол муомалада бўлишарди. Агар ишламасак уришар эди. Уч ойча шундай шароитда қийналиб ишладик. Кейин шеригим Актам Омонов билан у ердан қочдик. Бизга умуман иш ҳақи беришгани йўқ.

Муродулла Худойназаров шериги Актам билан тутқунликдан қочиб қутулгач, дарҳол турмуш ўртоғи Мавлудага телефон қилиб, Қозоғистонга ишга кетганларнинг аҳволи қандай кечаётганлигини айтиб беради. Уларнинг яқинлари воқеадан хабар топишгач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бу ҳақда хабар беришади. Маъмурий идораларнинг аралашувидан сўнггина «ёлланма иш»га кетган чироқчилик йигитларнинг ҳаммаси уйларига қайтиб келишга муваффақ бўлишди.

Туман прокуратураси жабрланганларнинг шикояти асосида дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориб, Абдураҳмон Аҳмедходжаевнинг хатти-ҳаракатларидаги ноқонуний жиҳатларни аниқлади ва уни ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми билан айблаб судга берди. Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2007 йил 20 сентябрдаги ҳукмига кўра, А.Аҳмедходжаевга нисбатан 1,5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Қозоғистонга ишлаш учун борган олти нафар чироқчилик йигитнинг бошига тушган кўргуликлар бошқаларни ҳушёр торттирар балки. Чет элларга чиқишдан олдин ишнинг ҳар жиҳатини пухта ўйлаш керак. «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу торозу» деган гап бежиз айтилмаган ахир.

**Б.ШОВРИҚОВ,**
**Чироқчи туман прокурори**

# Раиснинг найранги

Ёдгор Ражабовнинг иш қобилияти, салоҳиятини инобатга олиб, 2001 йилда ширкат хўжалигига бошқарув раиси этиб тайинлашганди. Мансаб, амал деганларини ҳар ким ўзича тушунади. Ё.Ражабов ҳам лавозимини ўз қаричида ўлчаб кўрди. Раислик масъулиятли, унинг вазифаси халққа хизмат қилиш эканлигини у яхши биларди. Аммо мажбурият ва ваколатлари чегарасига келганда қаричини кенгроқ ташлади.

Унинг қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлардан, хусусан Вазирлар Маҳкамасининг бу йўналишда чиқарилаётган кўплаб қарорлардан хабари бор эди. Бу қарорларнинг моҳиятини ҳам жуда яхши англаб етганди. Шунинг учун хўжаликдаги «молиявий аҳволни яхшилашга бел боғлаган» раис ўз манфаатини ҳам унутмади. Қўл остига янги келган бош ҳисобчи йигит Чори Набиев ҳам анча зийрак чиқиб, раис нима деса ёхуд маслаҳат солса унга пешдомон бўлди.

— Зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ширкат хўжаликлари бугун-эрта батамом тугатилади, — деб гап бошлади Ё.Ражабов бир кун олдига кирган бош ҳисобчи Ч.Набиевга. — Биттаяримта объектни аукционга қўйиб олсак, деган фикр бор-да.

Ҳисобчи бош чайқади. Раис бу ишорани «мен хизматга тайёр», деб қабул қилди шекилли муддаога кўча қолди.

— Хўжалик ҳисобидаги омборхонани сотувга қўйсаг-у, ўғил харидор бўлса...

Шу ерда раис ва ҳисобчи ўртасида «гап пишди».

Омборхонани сотиш тўғрисида 2006 йил март ойида биржа савдоси ҳужжатлари расмийлаштирилди. Адлия вазирлигининг 2005 йил 9 апрелдаги «Республика Кўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари қўпол бузилиб, савдо сунъий равишда рақобатсизлантирилди. Аслида 4 млн. сўмдан зиёдроқ турадиган объект 1 млн. 900 минг сўм қилиб белгилаш йўли билан ҳужжатларга сохта маълумот ва ёзувлар киритилиб, қалбакилаштирилди.

Шундай қилиб, раиснинг ўғли номига биржа шартномасига мувофиқ 30 кун ичида тўловни амалга ошириш шарти билан омборхона ва айвон расмийлаштирилди. Аммо тегишли муддат тугаб, орадан уч-тўрт ой ўтади ҳамки, тўловдан дарак бўлмайди.

Бу ҳолатни раиснинг ўғли Ё.Ражабов суддаги кўрсатмасида: «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раиси отам, менга ушбу маблағни ўзларининг ҳисобларидан тўлаб беришини тушунтирганларидан сўнг тўламасдан юргандим», деб изоҳлайди.

Ўзлаштириш ва растата йўли билан талон-тарож қилиш жиноятини содир этган собиқ раис ва бош ҳисобчи қонун олдида жавоб беришди.

Донишмандлардан бири айтган экан: «Оғир тош ердан минг азоб билан кўтариб олинади. Уни ташлаб юбориш эса жуда осон. Ўсиб, мартабага эришиш худди тош кўтаришга ўхшайди. Мартабадан тушиш эса тошни ташлаб юборишдек бир ҳолдир». Амал курсисида ўтириб ўз шахсий манфаатини устун қўймоқчи бўлаётганлар бу ҳақда ўйлаб кўрсалар фойдадан холи бўлмасди.

**Ибодулло ОДИНАЕВ,**
**Бухоро туман прокурори ёрдамчиси.**
**Меҳринисо ҲУСАИНОВА,**
**журналист**

Qayerdan:

## Xatlar va jamoatchilik bilan aloqalar sahifasi

Qayerga: Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66. «Ниqиq» газетаси таҳририятига, 700047

*Жавоб*

## Судга мурожаат қилмаган

Фуқаро Г.Чориеванинг қизи Ш.Жалилова икки нафар фарзандига алимент пули ҳамда туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини ололмаётганлиги ҳақида таҳририятга ёзган аризаси Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Китоб туман Машъал қишлоғида яшовчи Шаҳло Жалилова (лўли қавмига мансуб) билан Китоб тумани Янгиариқ қишлоғида яшовчи Д.Тоҳировлар 2001 йилда қонуний никоҳдан ўтмасдан, ўзларининг удумлари бўйича турмуш қуришган. 2001 йилдан 2005 йилгача бирга яшаш даврида уй шароитида бир нафар фарзандли, 2005 йилда ўзаро ажралишиб кетгач Ш.Жалилова 2006 йилда яна бир нафар қиз фарзандли бўлган. Ҳар иккала фарзандига ҳам туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олмаган.

Фуқаро Д.Тоҳиров ва Ш.Жалиловалар ўзаро ажралишганидан кейин Ш.Жалилова вояга етмаган фарзандлари моддий таъминоти учун алимент ундириш масаласида фуқаролик судига мурожаат қилмаган.

Шу сабабли Ш.Жалиловага фарзандларига туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш учун туман ФҲДЁ бўлимига, вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент ундириш масаласида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

**М.КАРИМОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари**

*«Ниqиq»қа жавоб келди*

## АРИЗАГА ЖАВОБ БЕРИЛГАН

Сентябрь ойида таҳририят 22 та хат олди.

Эсингизда бўлса газетамизнинг ўтган август ойида «Маблағ қайга кетди?» деб номланган фотоайбнома эълон қилинган эди. Унда уйнинг хусусий уй-жой мулкдорлари томонидан таъмирланмай келинаётгани ҳақида шикоят қилинган эди. Шунга кўра таҳририят Тошкент шаҳар прокуратурасидан шикоят юзасидан жавоб хатини олди.

Аниқланишича, Мирobod туман ҳокимининг 2005 йил 5 майдаги 134/1-сонли қарорига асосан Абдурауф Фитрат кўчаси 33/2-уй «Сарикўл-коммунал-сервис» уй-жой мулкдорлари ширкати балансига ўтказилган.

2002 йилда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК ва «Бахт-Асил» хусусий фирмаси ўртасида тузилган шартномага асосан уйнинг муҳандислик тармоқлари капитал таъмирлашдан ўтказилган.

2005 йил ноябрь ойида Мирobod туман КТАХ томонидан уй томини алмаштириш ва 4 та подъездга темир эшиклар ўрнатиш бўйича ишлар бажарилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 мартдаги 74-сонли қарори уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган бўлиб, унда хонадонларга газ ҳисоблагичларни бепул ўрнатилиши белгиланмаган. Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли қарори билан тасдиқланган якка тартибдаги уй-жойлар ва хонадонлар учун газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 23-бандига асосан «Бошкомунгаз» корхонаси томонидан сотиб олинган газни ҳисобга олиш приборлари аҳоли хонадонларига ва якка тартибдаги уйларга ўрнатилади. Кейинчалик уларнинг қиймати истеъмолчи томонидан кафолат муддати мобайнида, лекин газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган кундан бошлаб кўпи билан 5 йилда тўланиши белгиланган.

«Тошкентшаҳаргаз» ХГТК «Мирободтумангаз» филиали томонидан М.Алимжонов яшаётган хонадонга 2005 йил 26 сентябрда 9862-сонли шартномага асосан G-1,6 русумли газ ҳисоблагич ўрнатилган бўлиб, газ ҳисоблагич нархи 25700 сўмни, «Тошкентшаҳаргаз» ХГТК томонидан тасдиқланган меъёрларга асосан ишлатилган материал ҳақи 1648 сўмни, ўрнатиш ҳақи 3880 сўмни ташкил қилган.

Аризачининг муқаддам шу мазмунда ёзган аризаси шаҳар прокуратураси томонидан тўпланган ҳужжатлар асосида кўриб чиқилиб, 2007 йил 22 июнда муаллифга ёзма равишда батафсил жавоб берилган.

**М.А.МИРЗАЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари**

## Айбдор жазоланди

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Huquq» газетасида эълон қилинган «Касбига нолойиқ» (2007 йил 16 август №33) номли мақола юзасидан шуни маълум қилади.

Фарғона шаҳар марказий шифохонаси қабулхона бўлимида ҳамшира вазифасида ишлаган М.Ахунова 2006 йил 28 ноябрдаги 96-сонли буйруққа асосан шифохонанинг диагностика бўлимига кичик тиббий ходим вазифасига ўтказилган. М.Ахунованинг дипломи қалбакилиги тўғрисидаги иши Фарғона шаҳар жиноят ишлари бўйича судига оширилиб, унга нисбатан чора кўрилган.

Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг штатсиз бош ҳамшираси, вилоят ҳамширалар ассоциациясининг раиси М.Сотволдиева ишида йўл қўйган камчиликлари учун вилоят кенгаш йиғилишининг 6-сонли мажлис баёнига асосан, эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Қува туман марказий шифохонасининг собиқ бош врачи Н.Аҳмедов, собиқ бош ҳисобчи Х.Алибоевалар томонидан содир этилган ноқонуний ҳаракатлар тегишли давлат органлари томонидан кўриб чиқилиб, айбдор шахсларга нисбатан суд органлари томонидан жазолар белгиланган.

**А.М.ХАДЖИБАЕВ,**
**Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари**



*Дўппи тикдим ипаклари тиллодан...*

*Мададталаб мактуб*

## «АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ»МИ?

Танаси бошқа дард билмас, дейдилар. Бу ибора нақадар тўғри эканлигига айни дамда бошимдан кечираётган кунларимда гувоҳ бўлиб турибман. Имон-эътиқодли, ақлли-ҳушли одамларимиз қанчалик кўп бўлишмасин, гуручнинг курмаги бўлгани каби бепарво, масъулиятсиз, ўзидан бошқани ўйламайдиганлар ҳам кам эмас.

Ҳаётда ўзинг қилган хатолар ёки гуноҳлар учун қанчалик жабрлансанг, хўрлансанг бировдан гина қилмайсан, хафа бўлмайсан. Лекин ҳаёт, тақдир сени оғир синовларга дучор қилса, атрофингдагилардан, сенга ёрдам бериши мумкин бўлган яқинларингдан нажот кутар экансан...

1972 йилда туғилганман. 1994 йилда тумандаги Бешариқ қишлоғида яшовчи Раҳмонов Хушнудга турмушга чиқдим. 1996 йилда фарзанд кўриб, исмини Муҳиддин қўйдик. Шундан сўнг тез-тез касал бўладиган бўлдим. Оиламизнинг моддий аҳволи оғир бўлиб, мени даволатишга имкони етмасди. Ота-онам бундай вазиятда бефарқ қараб туролмадилар ва мени уйга олиб кетиб даволата бошлашди. Бироқ бу даволатишлар кўп йиллар давом этди ва мен I гуруҳ ногирони бўлиб қолдим.

Касаллигим оиламга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг 2002 йил 9 октябрдаги ҳал қилув қарори билан турмуш ўртоғим Раҳмонов Хушнуд ва менинг никоҳимиз бекор қилинди. Шу билан бирга ўғлим вояга етгунга қадар ойлик иш ҳақининг тўртдан бир қисми миқдорида, ойига энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаган миқдорда 2002 йил 10 июлдан бошлаб алимент ундириш ҳақида ҳам суд қарори қабул қилинди.

Орадан шунча йил ўтишига қарамай бу алиментдан дарак йўқ. Суд ижрочисига қатнайвериб чарчадим. Тўғрироғи, мен юролмайман, ота-онам овора бўлишаяпти.

Баъзан ор қилиб, шу алиментдан ҳам воз кечгим келади. Бироқ, фарзандимни ота-онам тарбиялашаяпти. Ўзим соғ-саломат бўлиб, бирон иш билан шуғуллланганимда ҳам шундай қилган бўлардим. Афсуски, ишлаш тугул юролмайман. Бундан ташқари йилига икки-уч маротаба касалхонада ётиб чиқаман, баъзан Тошкентда даволанишимга тўғри келади. Менинг хасталигим етмагандек, фарзандимга қараш ҳам ота-онамга бироз оғирлик қилади. Алиментга эса шундай ҳолларда муҳтож бўлаяпман.

Собиқ турмуш ўртоғимдан суд қарорида кўрсатилган 2002 йил 10 июлдан бошлаб тўланиши лозим бўлган алимент пулларини ундиришда ёрдам беришингизни сўраб бугун сизга мактуб йўлламоқдаман...

**Умид билан Гулора РЎЗМЕТОВА,**
**Хоразм вилояти, Боғот тумани,**
**Деҳқонбозор қишлоғи**

*Газетхон бонг уради*

## ОБУНА БЎЛАМИЗ, ЛЕКИН....

Бугунги кунда кундалик ҳаётимизни газета, радио, телевидениесиз тасаввур этиш қийин. Газета орқали инсон турли-туман мақолалар, ажойиб-ғаройиб янгиликлар, Ўзбекистон ва дунёда рўй бераётган воқеалардан хабар топади.

Хусусан, ҳуқуқий газета ё журнал мутолаа этган ҳар бир одам маълум даражада ҳуқуқий онгининг ошишига эришади, билмаган саволларига жавоб топади.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар йили сентябрь ойидан бошлаб даврий матбуотга обуна жараёни бошланади. Бизлар ҳам анъанага кўра ўзимиз хоҳлаган газета ва журналларга обуна бўлиб келмоқдамиз.

Мактаб бўйича жами 32 киши 2007 йил учун турли газета ва журналларга обуна бўлишди. Мен 27 минг 680 сўм тўлаб, «Huquq» газетасига обуна бўлдим.

Газета ва журналларга обуна пули алоқа бўлими орқали манзилга етказиб бериш шарти билан тўланган эди. Бироқ, пулни тўлаганимиздан кейин «Huquq» газетаси ҳамда «Адолат ёлқини» газетасини ХТБ идорасидан, «Фориш тонги» газетасини таҳририятдан берадиган бўлишди.

Ахир обуна пулини манзилга етказиб бериш шарти билан қўшиб тўлаган эдик-ку?! Бу ҳам етмагандек, газетани вақтида ололмаймиз. Ҳозиргача «Huquq»нинг 21-22-сонинигина олдим, холос. Бошқа сонларини ҳалигача олганим йўқ.

Кейин билсак газетани «Матбуот тарқатувчи» ОҲЖ орқали обуна қилишган экан. У ерда нархи сал бўлса ҳам арзон, чой пули қолади...

Янгиликлар ва маълумотлардан ўз вақтида огоҳ бўлишни истардик. Бунинг учун кимга мурожаат қилишимиз керак?!

**Ҳамид ШАРИПОВ,**
**Жиззах вилояти, Фориш тумани,**
**Эски Фориш қишлоғи**

*Миннатдорчилик хати*

## Прокурор ёрдам берди

**Ассалому алайкум ҳурматли таҳририят!**

**Мен икки йил давомида алимент пулларини ололмай сарсон-саргардон бўлиб юрдим. Мурожаат қилмаган жой қолмади. Бир қанча ташкилот ва хотин-қизлар қўмиталарига учраб кўрдим, лекин натижа бўлмади. Суд ижрочиларининг бир неча бор огоҳлантиришига қарамай, жавобгар қочиб юрди.**

**Охири сўнгги умид билан Янгиобод туман прокурори Алишер Эргашевга ариза билан мурожаат қилдим. У кишининг саъй-ҳаракати билан яшаш жойини яшириб, қочиб юрган жавобгар топиб келинди. Шу вақтгача тўланмаган алимент пуллари тўланди ва уй-жой муаммоси ҳам жавобгарлар билан келишган ҳолда ҳал қилинди.**

**Айбдор ўз айбига иқрор бўлиб, қарзларни тўлиқ тўлаганлиги учун у жазодан озод этилди. Она-боланинг манфаатини қонуний ҳимоя қилган қонун посбонлари Алишер Эргашев ва прокурор ёрдамчиси Комилжон Эсоқов ҳамда туман ИИБ ходимларига миннатдорчилик билдирган ҳолда эл-юрт хизматидаги ишларига омад, соғлик-омонлик тилайман.**

**Фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш йўлидаги ишларига ривож тилаб, оила аъзоларим номидан раҳмат айтамиз.**

**Гулбаҳор ТУРДИҚУЛОВА,**
**Жиззах вилояти, Янгиобод туман, Баланчақир қишлоғи**

# Эзгулик ва жоҳиллик




Инсон ҳаётга бир марта келади. Шунинг учун ортидан яхши амаллар, инсонларга нафи тегадиган эзгу ишлар қилиб, ўзидан яхши ном қолдириши зарур. Шу ўринда донишмандларнинг қуйидаги фикрларини эслаш фойдадан холи эмас. Улар дейди: «Эътиқодсиз, иймонсиз одам ҳам кўп ишларга қодир. Лекин унинг бу ишларидан кўрадиган фойдаси зиён, хайри ёмонликдир».

Бу борада бугунги ёшларимизнинг қарашлари қандай? Улар бу ҳақда қандай фикрдалар? Давлатимиз томонидан яратилган имтиёзлардан, шарт-шароитлардан бирдек фойдаланишяптими? Қуйида шу каби саволларга жавоб излаб кўрамиз.

Ёшлар ҳақида гап кетганда, тилимиз баъзан танқидга бурилади. Аммо бугунги ёшларнинг кўп соҳада илгарилаб кетаётганлигини ҳам тан олиш керак.

Шу ўринда бир масалага эътиборни қаратсак.

Тилимиздаги меҳр ва қаҳр, яхшилик ва ёмонлик, оқ ва қора, эзгулик ва ёвузлик сўзлари қаердан пайдо бўлган? Булар албатта ҳаётдан, ҳаёт тарзимиздан олинган. Оқ билан қора, яхши билан ёмон ҳамиша ёнма-ён экан, демак, ёшларимиз орасида одоб-ахлоқли, билимлилари билан бирга тарбияси оқсоқ, жоҳил, қадриятларимизга бепарво, жиноят кўчасига кириб қолганлари ҳам бор.

Президентимиз ёшларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Уларнинг илм олишлари, малакали мутахассис бўлишлари учун ҳамиша қайғуриб келмоқда. «Менинг энг катта ишончим ва умидим бугун замонавий тарбия ва билим олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир» деб таъкидлайди юртбошимиз.

Қувватали ака яхши ниятлар билан уч фарзандни ўстираётган эди. Айниқса, ўғли Шерзодни бошқача меҳр билан суяр, уни яхши кўрганиданми тез-тез «яхши бўлгин, ўқимишли, топарман-тутарман бўлгин» деб панд-насиҳатлар қилиб турарди. Бироқ ўн саккиз ёшни қаршилаган Шерзод Ҳамроевга бора-бора отасининг насиҳатлари ёқмай қолди.

Нокобил ўғил отасига пичоқ ўқталиб, падаркуш деган ном олди..

Унинг сендан орзу-умидлари катта эди-ку! Сенинг тенгдошларинг эса...

Пахтаободлик Азизбек Нуриддинов ҳам ўн саккиз ёшда. Токио татамисида дунёнинг номдор каратэчилари билан беллашиб, жаҳон чемпионатида бронза медалига сазовор бўлди. Республикамиз жамоасининг 2-ўрин олишига ҳисса қўшди. Унга дунёнинг биринчи рақамли каратэчиси, 9-ДАН қорабелбоғ соҳиби Хитоши Косуя «1-ДАН қорабелбоғ соҳиби» сертификатини топширди.

— Ота-онамни бошимга кўтараман, — дейди А.Нуриддинов. — Нимага эришсам, улар туфайли эришяпман. Ҳеч қайси ота фарзандига ёмонлик тиламайди. Қотил тенгдошимнинг қилмишини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди.

Ваҳоланки, биз ёшларга яратилган шароит ва имтиёзларни санаб тугатиб бўлмайди.Нега шулардан фойдаланмадинг, Шерзод?!

* * *

Илҳом Тиллабоев 1987 йил 14 июнда Хонобод шаҳрида туғилган. 2004 йил Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмининг «в,г» бандлари билан уч йилга озодликдан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, 1 йил синов белгиланган, жазони ўтаган. Аммо бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган. 2006 йили қайта жиноят содир этган. Уч нафар вояга етмаган болаларга шафқатсизларча муомалада бўлиб, зўравонлик йўлини тутган. Айниқса, Н.Осиповга нисбатан инсонга хос бўлмаган хатти-ҳаракатлар қилган. Вояга етмаган қизнинг номусига теккан. Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. И.Тиллабоев қилмишлари учун етти йил «панжара» ортида ўтирадиган бўлди. Нега? Тарбиядаги нуқсонлар, ота-она, маҳалла-кўйнинг эътиборсизлиги оқибатида йигирма ёшида иккинчи марта озодликдан маҳрум этилди.

Унинг тенгдоши эса...

— Ёшларга зўравонлик қилгунча — дейишди қўлжанги бўйича жаҳон чемпионлари Ўткир Маткаримов ва Алишер Акбаровлар, — ўзингдан кичикларга ёрдам бериш, уларни ҳимоя қилишни ўрганса бўларди. У бу қилмиши билан биз — ёшларнинг номига доғ туширди. Иснод келтирди. Ўқиб-ўрганиб, спорт билан шуғулланиб, яхши ном олиш учун унда ҳам имконият лар етарли эди-ку?

* * *

Гиёҳвандлик - аср вабоси, деб бежиз айтилмайди. Бу офатнинг таъсирига тушган одам унинг домидан омон чиқиши гумон. Гиёҳванд одамнинг манқуртдан фарқи йўқ. У арзимаган «қорадори», «гашиш», «героин» учун ор-номусини, виждонини эмас, ватанини сотишга ҳам тайёр.

Андижонлик Саҳалжон Каримов ҳали вояга етмаган Муроджон Жалиловга 0,27 грамм «гашиш» гиёҳвандлик моддасини 1000 сўмга сотган пайтда жиноят устида қўлга тушган. Унинг уйидан беш бўлак целлофан халтачаларга солинган жами 0,33 грамм «гашиш» моддаси чиққан.

Бироқ М.Жалиловнинг ўзи ҳам наша чекиб туришини, уни С.Каримовдан шу мақсадда сотиб олганлигини инкор этолмади.

С.Каримовга эса мўмай пул бўлса бўлди. Энди унинг фаолиятига чек қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Йигирма беш ёшида ота-онасига, халқига фойдаси тегадиган пайтда тиканли девор ортида кун санайди.

Бу ҳақда «Сардор мазза мағизлари» хусусий корхонасининг раҳбари Сардор Нуриддинов шундай дейди:

— Тадбиркорликка қизиқар эдим. Шу ниятимни амалга ошириш, чет элларга маҳсулот чиқаришни орзу қилиб, хусусий корхона очдим. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилган Республика танловида қатнашиб, биринчи ўринни эгалладим ҳамда беш миллион сўм грант олдим.

Гиёҳвандлик моддалари сотиб, бировларнинг умрига зомин бўлгунча, давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланса бўлмайди-ми?

* * *

Аёллар гўзаллик тимсоли. Улар наслимиз давомчилари. Уларни авайлиб, эъзозлаб бошимизга кўтарамиз. Бу бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган.

Аммо беш қўл баробар эмас. Масалан, асакалик Хумор Бозорбоева арзимаган сабаб билан маҳалладоши Нодирахон Салимова билан жанжаллашиб унга тан жароҳати етказган. Суд Х.Бозорбоевани айбдор деб топиб, ундан Н.Салимова фойдасига 80000 сўм ундириш тўғрисида ҳукм чиқарган.

— Аёл киши учун жанжаллашиш, — дейди оғир атлетика бўйича Республика чемпиони Манзура Мамасолиева, — бунинг устига тан жароҳати етказиш ўта одобсизликдир. Хуморхоннинг кучи кўпайиб кетган бўлса, бизнинг клубга келсин. Жанжалда эмас, спортда ўзини кўрсатсин.

* * *

Баъзи жиноятларга арзимаган баҳоналар сабаб бўлади.

Ўткир Мамадалиев 1979 йили Жалақудуқ туманида туғилган. Ўзи яшаётган Тешиктош қишлоғидаги ариқда сув бор-йўқлигини билиш учун чиққан. Мақсади молларни суғориш эди. Маҳалладоши Полвон у билан сўкиниб сўрашгани унинг ғашига тегади. Ҳе йўқ, бе йўқ қўлидаги темир труба билан унинг бошига уради. Оқибатда қотиллик содир бўлди.

Ўткир агар ҳушёр бўлганда, жаҳлига эрк бермаганда биров ҳаётдан бевақт кўз юммаган бўлар эди. Алал-оқибат қилган жинояти уни қамоққа етаклади.

Унинг тенгдоши, белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони Зоҳид Жумақулов шундай дейди: — Ақлсизлик, жоҳиллик инсонни турли балоларга гирифтор қилади. Агар Ўткир спортга қизиқиб, унинг бирор тури билан шуғулланиб турганда, иродаси мустаҳкам, босиқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини қўлга оладиган йигит бўларди. Афсуски, у бундай қилмади. Ёш умрини завол қилди. Бунга аввало, фақат унинг ўзи сабабчи. Ўз тенгдошининг қотили бўлиш эса уни умрбод виждон азобига солса керак.

* * *

Назоратсизлик, ота-онасининг эътиборсизлиги оқибатида турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган ёшлар ҳамон учраб туради.

1984 йилда туғилган қорасувлик Хайрулло Раҳимов ана шундайлардан чиқиб қолди. У арзимаган «садақа» эвазига тенгдошлари онгини «оғу»лашга ҳисса қўшаётганлардан экан. У юртимизга «Ҳизб ут-таҳрир» ташкилотига оид диск ва аудиокассеталарни ноқонуний йўллар билан олиб кираётганида ушланган. Унинг уйидан ҳам кўп миқдорда диск ва аудиокассеталар чиққан. Хайрулло тегишли жазосини олди.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг: «Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда» деган даъватини яхши биламиз. Чунки ғоясизлик ва эътиқодсизлик миллатни парокандаликка олиб келади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг ёшлардан умиди катта. Биз ҳар қандай ёвга, ҳар қандай ёт ғояга, ҳар қандай диний экстремистик оқимга қарши кураша оламиз.

Бу сўзларни баралла овоз билан айтган ёшлар сафида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси, Зулфия мукофоти совриндори Дурдона Қорабоева, Андижон Давлат тиббиёт институти талабаси, Президент стипендиати Нодира Мамажонова, мамлакат чемпиони, халқаро мусобақалар совриндори Мафтунабону Тўхтасинова, Андижон тасвирий санъат ва амалий санъат лицейи ўқувчиси, «Камолиддин Беҳзод издошлари» Республика кўрик-танловининг мутлақ ғолиби Искандар Солиев, «Келажак овози» танловининг Республика босқичи ғолиби, чевар Санобар Зокирова, Андижон санъат коллежининг ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлими талабаси, Зулфия мукофоти совриндори Саида Қулматовалар каби ёшларнинг борлиги бизнинг фахримиздир.

Аммо оғир жинояти учун саккиз-тўққиз йилга қамалган Ўринбой Хурбоев, Акмал Алимов, ўғрилик содир этгани учун беш йилга озодликдан маҳрум қилинган Қобилжон Тўйчиев, Ёркинбек Шербоев, ҳар бири тўрт-беш йилдан «панжара» ортига жўнатилган Фарҳод Нурматов, Акмал Тешабоев, Ҳусниддин Аҳмадалиев, Турсунбой Бегалиевлар ҳам бизнинг фахримиз, ифтихоримиз бўлган ёшларнинг тенгдоши эди-ку? Улар ўз тенгдошларидан ўрнак олса бўлмасмиди?

Бокс бўйича жаҳон чемпиони Қаҳрамон Орзиқулов бу гапларни куюнчаклик билан айтар экан, уларга ачинаётганлиги юз-кўзидан яққол сезилиб турди.

Андижонлик ёшлар билан бўлган учрашувда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев шундай деган эди:

— Спортга ошно бўлган одам матонатли, кўнгилчан ва меҳрибон бўлади. У ҳеч қачон жиноят кўчасига кирмайди. Чунки халқимиз ўз фарзандларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаб келган. Шу ўринда юртбошимизнинг «Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб яшади. Ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келди» — деган пурмаъно сўзларидан ортиқ бошқа сўз айтолмайман.

**Ғуломжон ҚЎЗИБОЕВ,**
**Андижон вилояти,**
**«Ҳуқуқ сабоқлари» газетаси муҳаррири**

# Одамийликка путур етмасин



### 1. Меҳр ҳақат бўлганда

Юлдуз (исм-фамилиялар шартли равишда ўзгартирилди) онаси вафот қилганда эндигина уч ёшни тўлдирган, ширингина бижилдоқ қизалоқ эди. Меҳрибон онажониси уларни мангу тарк этганлигини ҳам идрок қилолмасди ўшанда. Гоҳо кечалари уйқусираганча онажонисининг иссиқ бағрини қумсаб тимирскиланарди. Бироз хушёр тортиб уйғониб қолса, ёнида акаси Шерзод ухлаб ётганини кўрарди. У кичкина кўлчаларини акасининг бўйнига ташлаганча яна пишиллаб ухлаб қоларди. Юлдуз қанчалик истамасин ҳаммадан севиклиси — онажониси энди йўқ эди.

Кунлардан бир куни Юлдузларнинг хонадонига қариндош-уруғлар йиғилишди. Дастурхон ёзиб, меҳмондорчилик қилишди. Ўша куни ҳамма хурсанд эди. Юлдуз ҳайрон, меҳмон бўлиб келган аёллардан бири уларникида қолиб кетди. Отаси уни болаларига «янги онангиз» деб таништирди. Қизиқ, онанинг ҳам янги, эскиси бўларканми? У Юлдузга яхши гапирса-да, онаси сингари бағрига босиб эркаламайди...

Орадан йиллар ўтди. Юлдуз ва акаси Шерзодга «янги она» турли баҳоналар билан зуғумлар ўтказадиган бўлди. Иккаласи ҳам бола эмасми, бирор ишни сал нотўғри бажаришса, отаси ишга кетгач, уларни роса калтакларди. «Янги она»нинг янги-янги баҳоналар топиб, Юлдуз ва Шерзодни таъқиб қилиши кўпаяверди. Хуллас, болалар ўгай онадан безиб қолишди. Дадасига ёки қариндошларига айтишдан ҳам чўчишарди. Негаки, «янги она» бу ҳақда билиб қолса, уларни бундан баттар қийнашига кўзлари етарди.

Бир куни у Юлдузни ўзи билан меҳмондорчиликка олиб борди. У ерда Юлдуз мезбонлар қистови билан дастурхонга икки-уч марта қўл узатди. Уйга келгач эса, ўгай она уни шунақанги калтакладики, бечора қизалоқ нақ ўлиб қолаёзди.

2005 йилнинг декабрь ойи охирида Юлдузнинг дадаси ишхонасидан «Янги йил совғаси» олиб келди. Болалар жуда хурсанд бўлишди. Шунда Юлдуз совға ичидан бир дона ширинликни сўраб олиб еди-ю балога қолди. Дадаси ишга кетгач, ўгай онаси уни чарчаганча урди. Оёқлари, баданларининг кўринмас жойлари кўкариб кетди бечора қизчанинг. Шунда ҳам у кўрққанидан бўлган воқеани дадасидан яширди.

### 2. Сўнма, Юлдузим!

«Ўгай она» Санамгул Сафарованинг аёвсиз калтаклари, хўрлашларини кўтара олмаган Юлдуз Амонова ўз уйининг ҳаммомига ўзини ўзи осиб, ёш жонига қасд қилди.

Гувоҳ Ҳасан Амонов, Юлдузнинг отаси:

— 27 декабрь куни кеч соат 19.00 ларда ҳамкасбларим уйимдан кўнғироқ бўлгани, тезда уйга боришимни айтишди. Тез етиб келсам, қизим Юлдуз ҳаммом даҳлизидаги қувурга ўзини осиб вафот этибди. Хотиним қизимни уришиб туришини билардим, лекин буни онанинг қиз болага нисбатан қаттиққўллиги деб тушунардим. Қизим менга онасидан ҳеч қачон шикоят қилмаган. Унинг ўгайлигини қизим билмаса керак деб юрардим, чунки онаси вафот этганда у жуда ёш эди. Охирги вақтлар кимдандир эшитган. Фақат бир куни ишдан қайтсам, қизимнинг юзлари тирналган, кайфияти йўғроқ экан. Сабабини сўрасам, «дарахт шохи тирнаб кетди» деганди. Юлдузнинг ўлимидан сўнг, унинг юзидаги жароҳат дарахт шохидан эмас, ўгай онасининг бераҳмлиги оқибатида тирналганини синглим Бахшандадан эшитдим.

Гувоҳ Шерзод Амонов, Юлдузнинг акаси:

— Ўгай онамиз ҳар хил баҳоналар топиб, бизни қийнарди. Агар уй ишларини вақтида қилолмасак, қўлига тушган нарса билан баданимизнинг турли жойларига урарди. Баъзан оч қолганимизни билса-да, овқат бермасди. У жаҳлга берилганда ялиниб-ёлворсакда раҳми келмас, синглимни оғиз-бурнидан қон кетганча уриб, «ўзларингни осинглар, шунда сизлардан қутуламан», дерди.

2005 йилнинг сентябрида Тошкент шаҳрида яшовчи акам Умид Амонов уйга келди. Мени ўзи билан олиб кетди. Ўшандан буён акам билан бирга, тинчгина яшаяпман. Синглим эса отам ва ўгай онам билан Когон шаҳридаги уйимизда яшарди. Телефон қилсак, ўгай онамиз ҳамон азобланаётгани тўғрисида қўрқиб-писиб гапирарди. Синглим билан тез-тез телефонлашолмасдим, чунки буни ўгай она билиб қолса, Юлдузни уришарди.

Жиноятчи Санамгул Сафаровага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 103-моддаси 2-қисми билан айблов эълон қилинди.

1960 йил 9 августда Ғиждувон шаҳрида туғилган, ўрта махсус маълумотли, бир нафар фарзанднинг онаси, муқаддам судланмаган Санамгул Сафарова ўз айбига тўлиқ иқрор бўлди. У ўгай қизи Юлдузга жуда қаттиққўллик қилганлигини, оқибатда у жонига қасд қилганлигини, ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини билдирди...

Амнистия қарорига кўра фуқаро Санамгул Сафаровага нисбатан қўзғатилган жиноят иши тугатилиб, унга нисбатан қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинди...

### 3. Лоқайдлик

Воқеа тафсилоти ҳар қандай инсон қалбини ларзага келтиради. Юлдуз ва унинг акаларига онасидан жудо бўлиш тақдири азалда битилган экан. Бунда уларнинг нима гуноҳи бор? Бир оилага бош, етимларга она бўлиш насиб этган экан, Сафаргул кўнгли кемтик болаларни иссиқ бағрига босиб, бошини силаса бўлмасмиди? Она меҳрига тўёлмай қолган гўдаклар унинг ардоғига жавобан, улғайгач бошларига кўтаришмасмиди? Санамгул болалар танига, қалбига озор бераётганда хаёлан бўлса-да, буларни ўйлаб кўрмадимикин? Ана шу каби қийноқли саволлар гирдобида қолган инсон дилига ва тилига одил жавоб келади: «Оллоҳ ҳаммасини кўргувчидир ва билгувчидир. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмас»

Азиз газетхон! Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Ўгай онанинг Юлдузга кўрсатаётган зуғумлари ҳақида унинг укаси, дугоналари ҳам, ўқитувчиси ҳам билишган. Лекин, негадир улар ҳам лоқайд бўлишган. Агар бамаслаҳат, Юлдузнинг отасини мактабга секингина чақириб, ётиғи билан тушунтиришганда, бугун Юлдуз Амонова ҳаёт бўлармиди, балки?

Олам-олам орзулар оғушида аъло ўқиб, дугоналари, тенгдошлари сингари яхши инсон бўлишга интилаётган Юлдузнинг орзулари ҳам, ҳаёти ҳам жуда эрта сўнди. Бунга отанинг ишонувчанлиги, лоқайдлиги ва бир зуғумкор ўгай она сабабчи бўлди. Санамгул Сафарова «ўгай она» деб аташга ҳам арзимайди. Ахир тақдири азалда кимнингдир пешонасига етимлик, кимнингдир манглайига ана шу кўнгли кемтик, етим-есир болалар бошини силаш, улар билан ҳаётини давом эттириш битилган. Бобо-ю момоларимиздан эшитганимиз бор, етим болалар улғайиб, ўгай ота ёки оналарини ўзлариникиданда юз чандон улуғлашган...

### 4. Эзгулик қилган эъзоз топади

Мен икки оилани биламан. Бири Ғиждувон туманидаги Ғишти қишлоғилик Носировлар оиласи. Турсунпўлат Носиров хотини Хурсанд янга ўлиб, икки ўғил — 5 ёшли Тошпўлат, 3 ёшли Толиб ва 1,5 ёшлик қизалоқ Гулнора билан қолади. Оилада жуда қийин вазият юзага келганди; Турсунпўлат ишласинми, ёш қолган болаларга қарасинми? Унга опалари ва қўни-қўшни, қариндош уруғ ҳамдард бўлишди, болаларига қарашишди. Бироқ, бу вақтинчалик эди. Қариндош уруғ маслаҳатлашиб, уни уйлантириш ҳақида бош қотиришди.

Болаларга кўз-қулоқ бўладиган, меҳрибон бир аёл зарур эди хонадонга. Бирови уни деса, бирови буни маъқуллади. Бир куни Турсунпўлатнинг поччаси, ёши улуғроқ, кўпни кўрган Ҳусан бобо уч-тўрт қишлоқ ошиб, бир даврада қадрдонлари билан гурунглашиб қолди. Бир бева аёл бор экан, ёшроқ. Узоқ йиллар бирга яшаса-да эридан фарзанд кўрмабди. Бироқ, касалманд эрини парваришлаб, бошқа турмуш қуриш, фарзанд кўришни хаёлига ҳам келтирмабди. Эри оламдан ўтгач, 5 йил ёлғиз, укасининг рўзғорида кун кечирибди. Ўзи ақлли, меҳнаткаш, мулоҳазали аёл экан.

Поччаси у ҳақда Турсунпўлатга айтиб, уни кўндирибди. Поччаси ўша қадрдонлари билан аёлнинг укасиникига совчиликка борибди. Уч-тўрт мартадан сўнг, охири тул қолган аёлнинг розилигини олишибди. Ниҳоят кичкина марака қилишиб, Муяссар янгани Турсунпўлатнинг хонадонига келтиришибди.

Муяссар янга фарзанд кўрмаган бўлса-да, етимларнинг бошини силаб, уларга чин дилдан меҳр кўрсатибди. Вақт ўтиб, унга Оллоҳнинг раҳми келиб, бир қиз кўрибди ва исмини Мақсад қўйибди. Шундан сўнг оилада фарзандлар кўпайиб, уларнинг сони ўнтага етибди.

Болалар улғайгунча Муяссар янги рўзғорнинг ўтидан кириб, сувидан чиқди. Кун оша хамиру кири, меҳмони бисёр эди. Оилада аввало эрига ҳурмат, қариндош-уруғ, қўни-қўшнига ширин тилли бу аёл болаларини «ўгай ёки ўзимники»га ажратмай, меҳр билан катта қилди. Ўғилларини касб-корли қилиб, уйлантириб, қизларини иззат-икром билан турмушга узатиб, бир этак неварали бўлди...

Уч-тўрт йил аввал Турсунпўлат амаки 90 ёшда, Муяссар буви 80 ёшда бандаликни бажо келтиришди. Турсунпўлат амаки оёқда юриб, ётиб қолмади. Аммо Муяссар буви инсульт билан оғриди. Ётиқли касалга ҳам, уни парваришлаётган одамларга ҳам азоб. Бироқ, Муяссар бувининг энг оғир кунларида унга ўзи туққан болаларидан кўра, кундошидан қолган фарзандлари кўпроқ меҳрибонлик қилишди. Гулнора қизи рўзғори тўкин-сочин, ўзига тинч эмасми, ойлаб ётиб қолиб онасига парвона бўлди. Толибжонининг хотини Фароғат беморни кунора чўмилтирди, кир-чирини ювди. Ўғиллари деярли ҳар куни янги-янги докторлар олиб келиб, кўрсатишди. Ёзнинг иссиқ кунлари ўғиллари онасини боғидаги салқин жойга, соя-салқин чиройли жойларга озорлантирмай кўтариб олиб боришди.

Муяссар буви ҳам уларни ўлаўлгунча дуо қилди. Оллоҳдан уларга узоқ умр, ризқи улуғ, фарзанди солиқ тилади.

### 5. Ўгай деёлмаймиз Сизни, онажон!

Тилга олганимиз икки оиладан яна бири Ғиждувон тумани «Пахтаобод» жамоа хўжалиги «Аэртом» қишлоғилик Холиқ Душановлар оиласидир.

Холиқ ака 40 ёшида хотини Норбибишдан жудо бўлди. Аёл сурункали бетоб эди. Тез-тез даволаниб келар, бироз оёққа туриб уй ишларига уннарди-ю, тезда толиқарди. Кейинги пайтлар соғлиғи жуда панд берди. Норбибиш ётиб қолди. Бундай пайтларда Норбибишга энг яқин дугонаси Зайнаб кўп ҳамдард бўлар, кўнглини кўтарар, ишларига ёрдамлашар, болаларига меҳр кўрсатар эди. Лекин бечора Зайнаб опанинг турмуш ўртоғи пешонасига сиғмаган, боз устига бирорта «тирноқ» ҳам кўрмаган эди ундан. Раҳматли эрининг руҳини ҳурматлаб, бошқа эрни хавас ҳам қилмади.

Норбибишнинг ҳоли ўзига аён, «бу сафар докторлар ёрдам беришолмайдиганга ўхшайди», дея ўйларкан, касалхонага кетишдан олдин ўртанчаси Бахтиёрга айттириб, дугонасини ҳузурига чорлади. Болалари — уч ўғли, уч қизининг бошларини силаб, ўпди, бағрига бир-бир босди. Ўпкаси тўлиб келса-да, кўзидан нам чиқармади, иродасини қаттиқ тутди. Зайнаб ҳам буни зимдан кузатаркан, юраги алланечук бўлиб, йиғлагиси келди. Норбибиш болаларини хонадан чиқариб, дугонасига эшикни ёптирди, эрини бир ишга юбориб, чалғитди. Кейин секингина Зайнабни имлади ёнига. Қўллари билан қўлини ушлаб, бир қўлини унинг елкасига қўйди: «Қиёматли дугонам, опамсан, синглимсан. Энди бу оламдан кетишимга оз қолди. Болаларимни, эримни сенга топширдим. Уларнинг ҳаётини соғлиғини сендан ўзга аёлга ишонолмайман. Биламан, эринг руҳини ўйлайсан. Бироқ, олти етим ва бир эркакнинг ҳаётини обод қилишга жазм қилсанг, улар ҳам сендан хурсанд бўлишади. Менинг тилагим шу. Кўзим орқада кетмасин. Оёғингни ўпиб, осонгина жон таслим қилай, дугонажон, йўқ дема!».

Зайнаб Норбибишнинг хиралашиб қолган нурсиз юзларига боқиб, бир зумгина иккаласининг ёшлиги, Норбибишнинг гўзал чеҳрасини эслади. «Э, воҳ, тақдир!» Зайнаб секин хўрсинди. Дугонасининг елкасига қўлини қўйиб, сочларини силади:

«Дугонажон, болаларинг, эринг ўзингга насиб қилсин! Уларнинг камолини, яхши кунларини бирга кўрамиз. Сен албатта тузаласан!», дея бағрига босди.

Аммо, бир ҳафта ўтар-ўтмас Норбибишнинг жасадини касалхонадан олиб қайтишди. Болалар зор қақшади. У кенжа қизчаси Гулханойни бағрига босганча фарёд чекарди.

Маросимлари ўтди. Норбибиш ўз васиятида эрига фақат Зайнабга уйланишига розилик берган экан.

Холиқ ака васиятга амал қилди. Шунча йил ўтиб, эри вафотидан сўнг Зайнабнинг турмуш қурганига ҳамма ҳайрон эди... Йиллар ўтди. Буни Зайнаб катта ўғли Шокирнинг никоҳ тўйида сўз берганларида кўз ёш тўкканча айтди: «Норбибиш, мана васиятингни бажариб, сенинг ўрнингда туриб, сенинг номингдан болаларингни, ҳа, келинимиз ва ўғлимизни табриклаяпман...

У йиғлаб, келини ва ўғли Шокирнинг пешонасидан ўпиб, уларга бахт тилади.

Хуллас Зайнаб хола бирин-кетин дугонасидан қолган 6 фарзандни соғу саломат улғайтирди, ўқитди, уйлантирди, турмушга берди. Бугун улар Зайнаб буви ва Душан бобони эъзозлашяпти. «Эъзоз қилган, эъзоз топади», дея беҳиз айтишмаган экан боболаримиз. Ана шундай она-ю фарзандларни «ўгай она», «ўгай ўғил» ёки «ўгай қиз» деб бўладими? Асло!

**Алиакбар ПЎЛАТОВ,**
**Когон шаҳар прокуратураси терговчиси.**
**Лолахон МАНСУРОВА,**
**журналист**

Эркин УСМОНОВ



# «ҚОПҚОН ТЕВАРАГИДАГИ РАҚС»

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Аслида, уларнинг танишиб қолишлари ҳам қизиқ бўлганди.

Ўшанда Санжар аҳолига хизмат кўрсатиш ширкатида навбатчи эди. Алламаҳалла телефон жиринглаб, аёл кишининг ваҳимали товуши эшитилди.

«Болалар боғчаси» ётоқхонасидаги водопровод қувури ёрилиб сув тошиб кетган эмиш.

Санжар «яхши, мен дафтарга ёзиб қўяман, эрталаб борамиз» деб гўшакни қўймоқчи бўлганди, аёл кишининг йиғламсираб «виждонсиз одам экансиз» деган гапини эшитиб, жаҳли чиқиб кетди.

«Мен сен оийимчага виждонни кўрсатиб қўяман» деб, ўша «боғча опа»ни бир сўкиб келиш мақсалида, асбоблари солинган халтасини кўтариб боғчага борди.

«Боғча опа» 20-22 ёшлардаги, ниначидек нозиккина қиз экан. Санжар қараса, қоровул чол иккови ҳамма ўрин-кўрпаларни, ҳали ўйинчоқларни йиғиштириб уёқдан-буёққа югуриб юришибди.

Бир кўнгли «эртага шерикларим билан келарман» деб қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, ўша қизнинг кўзларида умид учқуни йилтираб кетганини сезиб орқасига қайтди. Тонг оқаргунча уннаб ёрилган, қувурни аранг тўхтатишди. Боғчанинг водопровод қувурлари аллақачон эскириб, занглаб кетган экан. Бир тешигини ёпса, бошқа ёғидан тошиб чиқали.

Кузнинг изғиринли кунлари эди ўшанда. Сув совуқ. Қўл тегизсанг, узиб олгудек.

Санжар ўша куни совқотиб, ўлгудек чарчаб боғча қоровулининг хонасида ухлаб қолибди. Эрталаб кечаги қиз чой дамлаб киргандагина уйғонди. Печенье, сариёғ билан сийлади. Анчагача гаплашиб ўтиришди. «Кечаги гапимдан хафа бўлмадингизми?» деб узр сўради. Шу куни боғча мудираси ҳам унга алоҳида ташаккур биллирди. Санжар шериклари билан келиб, икки кун ичида қувурларни таъмирлаб кетишди.

Қарабсизки, ўша «боғча опа» — Зулхумор билан кўришиб турадиган бўлиб қолди. Бундан тинчиб-тинчимас опаси ҳам аллақаёқдан хабар топибди. Қўймади. «Қаерда тураркан? Уйини айт. Совчиликка борамиз» деб туриб олди. Санжар шундоқ қизни алдашдан, ўз ўтмишидан уялди. Қаршилик кўрсатди. «У қиз киму, мен кимман?» деди. Бўлмади. Опаси барибир қизникига борди.

Зулхумор онаси эрта вафот этиб кетган, кекса, касалманд отаси ва иккита синглиси билан яшайдиган оиланинг тўнғичи экан.

Дунёнинг ишларини қарангки, девонанинг ишини худо қўллабди деганларидек, Санжар билан Зулхуморнинг юлдузлари юлдузларига тўғри келиб қолдими, ҳайтовур кўз очиб-юмгунча тўй ҳам бўлди-кетди.

Санжарга на тўй, на бошқа нарса татиди. Унинг дарди ичида, тили қисиқлигидан эзилиб-сиқилиб юрарди. Бир куни бўлмади. Ёрилди. Ўша куни хиёл ширкайф эди.

— Шунақа, шунақа... мен қамалганман, — деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Зулхумор «ҳақиқатан ҳам виждонсиз одам экансиз, мени алдадингиз» деб юз ўгириб чиқиб кетса керак, деб ўйлаганди, у индамади. Ёшланган кўзларини яшириб, «биламан» деб шивирлаб қўйди, холос...

Санжар бўлса ҳайкалдек қотли — қолди. Бу ниначидеккина нозик қизнинг филдек сабр-бардошига, гулдек нозик юрагидаги тоғдек қудратидан ҳайратга тушди...

Шундан кейин, бу мавзуга бошқа қайтишмади. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолди. Ўша йили ўғилчалик бўлишди. Қувончлари чексиз эди. Каталакдеккина хоналари ёришиб кетгандек, туриш-турмушига маза-матра киргандек, шу пайтгача ўзи англаб етмаган қандайдир маъно ва мазмун касб эта бошлагандек туюлди унга.

... Ва яна бир бор қасам ичди. Бундан кейин ўтмишидан юз ўгиришга, ўша номаъқулчиликларни такрорламасликка, бундан кейинги бутун ҳаётини ана шу мунис аёлга ва ўғилчасига бағишлашга ўз-ўзига сўз берди.

Мана энди бўлса, ўша сўзидан кечиб, ўша қасамини бузиб, яна Боситхоннинг ёнига кетяпти.

Бормаса бўлардику, дерсиз? Йўқ, бўлмасди. Бунинг сабабини эса Санжар биларди. Зеро, у шу кунларгача етиб келган, ўша мудҳиш ва қўрқинчли «жиноят олами»нинг сизу-биз билмаган, тасаввуримизга ҳам сиғдира олмайдиган, ёзилмаган қонунлари ҳам мавжуд эди. Буни бошқалардан кўра Санжар яхшироқ билар, яхшироқ ҳис қиларди...

* * *

Санжар шу пайтгача Боситхон ва унинг шериклари ўзини йўқламай қўйишганидан, орқаваротдан бу жиноий гуруҳ аъзолари қидирувда эканлигини эшитгандан бери кўнгли хотиржам, тинчгина ишлаб, борига барака қилиб, ҳушига келганда гоҳ бир кружка пиво ё бир стакан вино ичиб, юрагининг тафтини босиб, умргузаронлик қилиб юрганди. Худо буниям кўп кўрди.

Аксига олиб, орқасидан уйқусираб чиққан Зулхуморга ҳам тайинли бир гап айтмади. Шунчаки, «авария бўлиб қолибди» деб қўйди, холос. Ҳозир ана шу лаҳзаларда эса хотинини яна бир карра алдаганидан, иситмалаб ётган ўғилчаси билан ёлғиз қолдирганидан, яна ўша жирканчли кўчага қайта қадам қўяётганидан кўнгли ғаш эди.

Бир кўнгли «ўлдирса ҳам айтганини қилмайман» деди-ю, кейин «қани аввал кўрайлик-чи, нима гап экан» деган қарорга келди...

Улар шаҳарнинг овлоқ бир чеккасидаги кўпдан бери ташландиқ бўлиб ётган хиёбон дарвозасига етиб келишганда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

Боситхон уни олд эшиги очиқ машинада кутиб ўтирган экан. Нарироқда яна бир машина ва ичидаги бир неча йигитларнинг қораси кўринди.

Боситхон ёнидаги танкўриқчими Талъат деган барзанги йигит билан уни яхши қарши олди.

— Қалайсан, «фокусчи»? — деди кўришатуриб елкасига қўл ташлаб, — ишлар тузукми?

— Ёмонмас, — деди Санжар бу такаллуфнинг тагида нимадир борлигини сезиб.

— Топиш-тутишинг яхшими, ишқилиб? — сўради яна Боситхон.

— Бўлади. Гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ, — деди Санжар истар-истамас, — ойлик-да.

Талъат буни эшитиб хириллаб кулиб юборди.

— Кимсан «Фокусчи» қуруқ ойликка ишлаб юрса, уят бўлади, — деди бош чайқаб, — оилали одамсан. Хотининг, ўғлинг бор...

«Ҳа, булар ҳаммасини биладилар, — ўйлади Санжар юраги орқага тортиб, ойлаб-йиллаб кўришмасанг ҳам қаердасан, нима иш қиляпсан, оиланг, туриш-турмушинг ҳаммасидан хабардорлар... Қанчалик қўрқинчли одамлар...»

Санжар шуларни кўнглидан ўтказди-ю, Боситхоннинг гапини давомини кутиб индамади.

— Гап кўп, вақт оз, — деди Боситхон мақсадга кўчиб, сенсиз битмайдиган бир иш чиқиб қолди.

— Нима иш экан? — деди Санжар сезгиси алдамаганига ишонч ҳосил қилиб.

— Ёғлиқ иш, — деди Боситхон кулимсираб, — бир йўла бир йиллигини ишлаб оласан.

— Мен... унақа ишларни ташлаб юборганман, «Босс», — деди Санжар, — бекорга овора бўлибсиз...

— Йўқ, нега? — деди Боситхон жиддий оҳангда, — кўпдан бери кўришмадик. Шу баҳонала бир башарангни кўриб қўяй девдим. Йўқ десанг,йўқда! Зоримиз бор, зўримиз йўқ!

Рўпарасидаги ўғрибошининг гапларидаги этни сескантириб юборгувчи совуқ оҳанг ва «башарангни кўриб қўяй», «зоримиз бор» қабилидаги пичингу киноялардан Санжар қийналди.

— Сиз мендан хафа бўлманг, ака, — деди товуши пасайиб, — анча бўлган... Унақа ишларни қилмаяпман...

— Қилмаган бўлсанг, қиласан! — деди Талъат зарда билан.

Санжар «иложи йўқ» дегандек бош чайқади.

— Ана шу эшакдек қайсарлигингни билганим учун ўзим келишга мажбур бўлдим, — деди Боситхон сигарет тутатиб ва шу топда унинг олов шуъласида хунук ёниб турган совуқ кўзларини кўриб беихтиёр Санжарнинг юраги орқасига тортиб кетди. Йўқ, у қаршисидаги бу даҳшатли одамдан қўрқмайди. У Санжарни ўлдирмайди. Лекин ўлгандан бешбаттар қилиш қўлидан келади. Бир қарасанг, уйингга ўт кетибди... Бир қарасанг, хотининг билан йўлда бахтсиз ҳодиса юз берибди... Бир қарасанг, ўғилчанг боғчала йўқ, ким олиб кетган ҳеч ким билмайди... Оддийгина манзара. Лекин уни қанчалар даҳшатли ва азобли эканлигини бошига тушганлар билади. «Босс», яъни Боситхон эса бунақа «ўйин»ларнинг устаси-фаранги эди.

Санжар шуларни ўйлаб, яна Боситхонга илтижо билан қаради.

— Боситхон ака, — деди товуши титраб, — мени тўғри тушунинг. Мен... энди бунақа ишларни қилмайман деб сўз берганман...

— Балки, тилхат ҳам ёзиб бергандирсан? — унинг сўзини бўлди Талъат.

— Сен нарироққа ўт! — жаҳл билан деди Боситхон шеригига ўқрайиб. Талъат хўжайиннинг ғазабидан чўчиб, уч-тўрт қадам нарироққа ўтди.

— «Фокусчи!» деди — Боситхон вазминлик билан Санжарга яқинлашиб, мен ҳам туғилганимдан бери энди бунақа аҳмоқ ишларни қилмайман, деб сўз бераман. Лекин сира устидан чиқолмайман... Нега? Чунки, атрофимга қарайману, кўнглим айнийди. Нима, сен теварак-атрофингда фақат фаришталар учиб юришибди деб ўйлайсанми? Биздан ҳам баттар ўғрилар, каззоблар, муттаҳамлар йўқми? Тиқилиб ётибди. Аммо уларники кўзга кўринмайди. Улар худди мушук ўз ахлатини кўмиб яширгандек бекитиб юрадилар.

Сени «фокусчилигинг» уларнинг ўйинлари олдида бир пул! Мен сени бунчалик бўлиб қолгансан, ҳезалакка айланиб қолгансан деб ўйламагандим...

Ўртага совуқ жимлик чўкди. Санжар бошини гуноҳкорона эгганча турар, шу топда бирон сўз айтишга тили бормас, айтишга ҳам ботинолмасди...

«Босс» унинг ҳолатини сезди шекилли, муросага бориб ўтирмай, дангалига кўчди.

— Янги массивда валюта айирбошлаш шохобчаси бор, — деди Санжардан кўз узмай. — Бугун у ерга катта миқдорда чет эл валютаси тушган...

— Балки, аллақачон банкка топшириб юборишгандир? — деди Санжар аста.

— Сен олдин гапга қулоқ сол, — жеркиб берди Боситхон, — ишончли одам бор. Ўша ерда ҳисобчи бўлиб ишлайдиган қиз...

Санжар индамай гапнинг давомини кутиб тураверди.

— Эртага тушлик пайтида, соат бирларга яқин уч киши ўша ерга кириб борасизлар, — давом этди Боситхон, — ҳаммаси келишилган. Ҳамма ниқобда бўлади. Сен сейфни очиб берасану, чиқиб кетасан, вассалом! Мана бу, — у чўнтагидан букланган қоғоз олиб узатди. — Ўша сейфнинг чизмаси. Анча мураккаб экан. Лекин сенга чўт эмас!

— Мени аралаштирмасанглар бўларди, Боситхон ака... — деди Санжар лабларини алам билан тишлаб. — Мен бу ишни қилолмайман...

— Майли, унда ора-очди қилиб қўяқоламиз, — деди Боситхон совуққина оҳангда.

Санжар «ора-очди» қанақа бўлишини биларди, шунинг учун Зулхумор билан ўғилчасини эслаб юраги зирқираб кетди.

— Майли, ўйлаб кўраман, — деди аста.

— Ўйлаб кўришга вақт йўқ, — деди Боситхон ва унинг елкасига аста шапатилаб қўйди, — сени таниб бўлмай қолибди-ку? Ўзингни қўлга ол! Мен сени укам деганман-а?!

Шундан кейин Боситхон ва унинг ҳамроҳлари шоша-пиша машиналарга ўтиришди-ю изма-из ўрнидан қўзғалиб, катта йўл тарафда кўздан ғойиб бўлишди.

**(Давоми келгуси сонда).**

***Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!***

Жиззах вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг ўринбосари Саидмурод Шерназаровга акаси

**Ўктам ШЕРНАЗАРОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Алдаган ва алданганлар

Маъруфжон олти ой аввал Андижоннинг Боғишамолидаги автомобил бозоридан арзон-гаровлигига учиб сотиб олган «Эсперо»ни ювдиргани миниб бораётган эди. Кўчада қўл кўтарган одамга тўхтади. Унинг ёнига яна икки киши келишди.

— Машинези ҳужжатларини кўрайлик?

— Кимсиз ўзиз, суриштирадиган?

Улар ҳужжатларини кўрсатганларида нафаси ичига тушиб кетди.

— Қоғозларини ҳали тўғрилаганим йўқ.

Уни шаҳар ИИБга олиб боришди. Маъруфжон гапни айлантириш бефойдалигига ақли етиб ростини айтиб берди.

...У Данғара тумани ичимлик сув тармоқлари идорасида муҳандис эди. Ўтган йилнинг ёзида машина бозорига чиқди. Таниши Бекмирза ака оқ «Нексия»ни «бор барака» қилаётган эди.

— Хўп денг, бундан қимматига сотолмайсиз, — дея машина эгасининг қўлини қўйвормай силтайверди.

— Бўпти...

Маъруфжон «ширинкомани» олган даллолга рўпара бўлди.

— Менга ҳам битта арзонроқ мошина оберинг.

— Мошинани арзони Андижонни бозорида. Таниш даллол йигит битта «Эсперо» бор, деганди. Кўнсангиз, кейинги ҳафта бориб келамиз...

Боғишамол бозорида турфа хил енгил машиналарни бирма-бир кўздан кечиришаётганида Маъруфжонга нотаниш одам Бекмирза ака билан қуюқ сўрашди.

— Шу укамга мошина олгани келувдик. Яхши минилганидан бўлса...

— Буёққа юринг-чи, — Эргашбой уни бир четга тортди. — Ҳалиги, сизга айтган мошина, Шуҳрат деган укахонимизнинг «Эсперо»си турибди. Жанубий Кореяда 1996 йил ишлаб чиқарилган. Урилмаган, яхши тутилган, йилт янги. Битта айби, ҳужжатлари йўқолган. Агар келишиб олинса, ҳужжатлариниям тўғрилаб берамиз. Жа пул зарил бўп қолиб, ноилож сотмоқчи! Тўрт ярим деяпти-ю, нархини тушириб бераман.

Уччаласи маҳаллага кириб боришди. Эргашбой телефонда чақирганидан кейин Шуҳрат машинасини миниб келди. Бошқалар «Эсперо»ни синчиклаб кўраётганларида Маъруфжон бир чеккада турди, савдога аралашмади.

Унга машина ёқди. Ҳужжатсиз бўлса, арзонроққаям сотади. Иккала даллол — Эргашбой билан Бекмирза ниҳоят бир битимга келишди.

— Уч ярим минггa эски «Жигулиниям» бермайди-ю, майли, пул зарил ҳозир, — Шуҳрат сотишга рози бўлди.

Эргашбой Усмонов уларни Қўшариқ кўчасига бошлаб борди. Жамилахон Ирисова билан олди-бердилари бор, бирга «иш» қилиб юришганди. Аёл компьютерда тайёрланган, сохта штамп ва муҳрлар босилган қалбаки ҳужжатларни расмийлаштиришнинг ҳавосини олган эди.

У йигирма беш минг сўм эвазига тайёрлаб берган, нотариус тасдиқлаган, Андижон шаҳар ЙХХБда рўйхатдан ўтган «ишончнома»га мувофиқ 1996 йилда Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган, 10 G 0699 рақамли «Эсперо» машинаси гўё Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Дархон кўчаси, 83-уйида яшовчи Бахтиёр Парпиевга тегишли бўлиб, М.Усмоновга бошқариб юриш ҳуқуқи ҳавола этилганди.

— Номингизга ўтказиб бергунимизча, шу ишончнома билан юриб турасиз, — деди Эргашбой Усмонов. — Сира хавотир бўлманг.

Машинада бирга Данғарага келишди. Маъруфжон содда, ғўллардан эмасди.

— Қолган минг долларни техпаспортини тўғрилаб берганларингдан кейин оласизлар, — деб икки ярим минг долларни санаб берди.

— Бир ойда опкеламиз, — деб ишонтирди Эргашбой Усмонов.

Шунга ҳам олти ойдан ошди.

...Тезкор-тергов гуруҳининг тадбирига мувофиқ, 2007 йил 27 февраль куни Маъруфжон Усмонов Андижонга, даллол Эргашбой Усмоновга телефон қилди.

— Қолган минг долларни тайёрлаб қўйдим, техпаспортини опкеб беринг!

— Бўпти, учинчи март куни бораман...

Қўқон шаҳрининг Навоий кўчасидаги Андижонга қатновчи таксилар бекатида, ўзининг «Нексия» машинасида Э.Усмонов М.Усмоновга қалбаки ҳужжатларни топшириб, минг долларни олган чоғида, жиноят устида ҳибсга олинди. Машинасида яна бир нечта тўлдирилмаган, муҳр ва штамп урилган гувоҳномалар бор эди.

«Эсперо»ни бошқариш учун берилган ишончнома, машина гувоҳномаси, ҳали тўлдирилмаган ҳужжатлар текшириб кўрилганида нотариус имзоси, штамп ва муҳрлари қалбакилиги аниқланди. Даллоллар Э.Усмонов, Б.Рустамов ҳамда била туриб қалбаки ҳужжатли автомобилни сотиб олган М.Усмоновга суд тегишли жазо тайинлади. Барчани алдайман деб ҳомтама бўлганларнинг ўзлари алданишди.



Қўқонлик Дилбархон Шамсиддинова ҳам бировларни алдаб, чув туширишни «касб» қилиб олган эди. Тўрт фарзандли, қирқ уч ёшга кирган аёл фириб беришнинг ўзига хос «усули»ни кашф қилди. Бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланувчи аёлларни содда деб бўлмайди. Дилбархон айнан савдогар аёлларни лақиллатишга киришди. Ўтган йили 25 декабрь куни Қўқон деҳқон бозорида ёнғоқ сотиб ўтирган аёл билан саломлашди. Йиғламсираб гап бошлади.

— Мошинани тўхтатиб ўғлимнинг юкини олиб қўйишибди. Бир соат ичида беш юз минг пул опкелинг, деб телефон қилди. Ҳар бири беш юз минглик тилло занжирларимни оборай десам, йўқ, пул опкелинг деяпти. — У халатининг чўнтагидан тилло занжирларини чиқариб кўрсатди. — Ўғлим жувонмарг бўп кетмасин. Шу нарсаларимни олиб, қарзга пул бериб туринг. Икки-уч кунда устига юз минг қўшиб, қайтариб оламан...

Зулфияхоннинг унга раҳми келди. Юз минг қўшиб бераман, деганига лаққа тушди. Заргарга учраганларида асл тиллолигини айтганидан кейин занжирларни олиб, 610 минг сўмни Дилбарнинг қўлига тутқазди. Шу пайт Дилбархон қўл телефонида аллаким билан гаплашди.

— Кеч қопман, қамаб қўйишипти ўғлимни. Мана пулиз, — деб занжирни қайтариб олиб, халатининг чўнтагига солди.

— Иложи бордир йўлини қилиб опчиқишни, — Зулфияхон далда беришга уринди.

— Тўғри айтасиз, ҳаракат қилиб кўрайчи, — Дилбархон занжирни чўнтагидан чиқариб бериб, пулни қайтариб олди-ю, шошганча жўнади.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Зулфияхон хавотирланиб тақинчоқларни яна заргарга текширтириб кўрганида тилло эмас, мисдан ясалган бўлиб чиқди. Фирибгар аёл дастлаб заргарга текширтирганларида асл тилло занжирни кўрсатган, кейин гўё ўғли қамалганини, кеч қолганини айтиб, тақинчоқни қайтариб чўнтагига солган, сўнгра унинг ўрнига мис тақинчоқни олиб берган эди.

Орадан ўн кун ўтиб, Д. Шамсиддинова худди юқоридагидай «усул»да М.Йўлдошевани лақиллатиб, 800 минг сўм пулини олиб кетди...

Жабрланувчиларга пулларини қайтариб бергани, тўрт нафар фарзандлари борлиги, муқаддам судланмаганлиги эътиборга олиниб, Дилбар Шамсиддиновага ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Бахтиёржон АХУНОВ,**
**Қўқон шаҳар прокурори**

# Иродасизлик

Иродасизлик инсонни не кўйларга солмайди, дейсиз. Билагига игна санчиб лаззат олаётган, тутунлар орасидан ҳузур қидираётган ёхуд «шайтон суви»ни сипқориб, шерга айланаётган кимсаларни энг разил жиноятларга ундовчи нарса ҳам ана шу иродасизликдир. Акс ҳолда гиёҳвандлик кулфат келтиришини, икки дунёни куйдирувчи ароқнинг ҳаромлигини била туриб киши ўзини ана шу нарсалар оғушига ташламасди.

Тайлоқ туманининг Навбаҳор қишлоғида яшовчи эллик икки ёшли Маҳмуд ака гиёҳвандликнинг касофатини яхши билади, уни сотганни ҳам олганни ҳам қонун аяб ўтирмаслигига ақли етади. Бироқ, шундай бўлса-да, ўзининг истеъмол қилиши ва қолганини биронта «шўри қисган» гиёҳвандга сотиб фойда топишни кўзлаб, анчагина пулга «героин» сотиб олди.

2 грамм «оқ ажал»ни алоҳида-алоҳида пакетларга қадоқлаб, оғилхонасининг бир четига яшириб қўйди. Аммо, то харидор келгунча у 40 дона қадоқланган «гера»дан 25 тасини ўзи «ҳазм» қилиб қўя қолди.

Ниҳоят, бир куни у кутган харидор эшигидан кириб келди. Бу қишлоқдоши Ўлмас дўкончи эди. Ўлмас ундан маълум миқдордаги «героин»ни сотиб олиб кетди. Унинг мақсади ҳам устига озроқ қўйиб «гера»ни таниши Актамга сотиш эди. Қўлдан қўлга ўтиб, ўз қурбонини излаётган «оқ ажал» Актамга етиб келгач, яна касофат манзили томон шайланди. Бироқ, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг зийраклиги туфайли «героин» олди-сотдисига чек қўйилди.

Инсониятга фалокат келтираётган «ажал» уруғини тарқатишга уринаётган кимсаларнинг ана шундай хатти-ҳаракатлари сабабли неча-неча оилаларнинг ёстиғи қуримоқда. Наҳот, гиёҳвандлик ўз ортидан тузатиб бўлмайдиган жирканч касалликларни етаклаб келаётганлиги озгина бўлса-да бундай кимсаларни хавотирга солмаса... Эртага шу хавф ўз фарзандини, яқин кишисини четлаб ўтади деб, ким кафолат бера олади?

Суд ҳукмига кўра Маҳмуд, Ўлмас ва Актамлар бир неча йилга озодликдан маҳрум этилди. Ёши бир жойга бориб «гиёҳванд» деган номга эга бўлган Маҳмуд жазони ўташ давомида тиббий йўсинда мажбурий даволанадиган бўлди. Зора, бу кимсалар ўз қилмишларини етарлича англаб, ижобий томонга ўзгарсалар...

**И.РАШИДОВ,**
**Навоий вилоят прокуратураси бўлим прокурори**

# ЖАҲОЛАТ



Бир неча кундан буён кўнгли ғаш аёл бу тун ҳам мижжа қоқмади. «Одам ёшинг ўтгани сайин қушуйқу бўлиб қоласан, дейишарди. Аммо юрагимни қандайдир ваҳм босиб келади...» Аянинг кўз ўнгидан чуғурлашиб юрган неваралари бир-бир ўтди. Ўн нафар фарзанди, уларнинг рўзғорлари ташвиши, келинлари ҳақида ўйлади. Анвар билан Камол ўртасидаги ўзаро жанжалларни ҳисобга олмаса ҳаммаси ўзига тинч. Аллоҳга шукрона айтардию, лекин кўнгли нотинч эди. Кўзларида халқаланган ёш боисини фақат она ва Оллоҳ билди холос. Қон босими кўтарилиб, Тожи ая дўхтир қўшнисиникига муолажа учун чиқди.

Она юраги илоҳий ҳис этишга қодир, дейишади. Фарзанди қаерда бўлмасин унинг жисми жони ришталари она қалби билан бевосита боғлиқ бўларкан.

2007 йил 18 март. Соат 10 лар чамаси. Девордармиён қўшни ака-укалар яна томорқадаги тераклар устида тортишиб қолишди.

Ака Анвар ҳам, ука Камол ҳам жаҳл жиловини бўш қўйишди. Жон-жигар, қариндошликни ҳар иккаласи ҳам андиша қилишмади.

**Эркакнинг номуси, мардлиги хотини шаъни билан ўлчанади.** Камол акасининг оғзидан хотини ҳақида эшитган гапларидан сўнг гангиб қолди... Елкасига миниб олган шайтон уни тамоман одамийликдан йироқлаштирди. «Наҳотки акам... Йўқ... йўқ!!!» Қулоқлари остида акаси Анварнинг масхараомуз кинояли кулгуси эшитилгандек бўлаверди...

Камол болта кўтариб Анварнинг ҳовлисига қадам қўйганида бу жаҳолат жабридан дунёйи дун бир қалқиб тушди. Ҳали ботишига анча вақт бўлишига қарамай қуёш ўзини қора булутлар ортига олди.

Болтани зарб билан ураётган йигит инсонийлик қиёфасини йўқотган маҳлуққа ўхшарди. Қўли жигари — акасининг қонига беланган Камол ҳеч нарсани ҳис этмас, гўё юраги бир парча музга айланган эди. Мудҳиш қотиллик жинояти содир этилди. Ёмон хабар бутун Каттабаёт қишлоғига тарқалди. Астағфируллоҳ, дея ёқа ушлашди қўни-қўшни, маҳалладошлар, фарёд чекишди қон-қариндош, яқинлар. Ғам андуҳ, фарзанд доғи мунғайиб қолган онахонни ўз гирдобига тортади. «Воҳ, болам-а...» Онаизор ноласи юракларни зирқиратади.

Наврўз яхшилик, эзгулик байрами арафасида жоҳиллик туфайли икки йигитнинг ҳаёти барбод бўлди: ҳаёт билан видолашган Анвар, акасининг қотили Камолнинг панжара орти ҳаёти... Қанчалар аянчли қисмат, надоматга йўғрилган тақдир битиги...

Бу даҳшатли фожеа содир бўлмаслиги ҳам мумкин эдими? Албатта, дейди мулоҳазали киши. Анвар билан Камол ўртасидаги тўрт-беш йилдан буён давом этаётган келишмовчиликдан наҳотки, қариндошлар хабарсиз қолишди. Ёки, бирда бўлмаса бошқасида қўшнилар жанжалга гувоҳ бўлишмадимикан? Тергов маълумотига қараганда, Анвар тўрт марта уйланган, ичкиликка ружу қўйган, ҳаётда муносиб ўрнини тополмаган киши эди. Аммо Камол-чи?! Нега бир гапдан қолмади? Ўғиллар муроса йўлини танлашганда бугун онаизор бағри хун, ака-укалар қайғуда қолишмас, фарзандлар — қондош амаккиваччаларнинг беғубор қалблари нафрат, қасос ўтида жиғибийрон бўлмас эди.

Ҳукм ўқилди. Камол қилмишига яраша жазога маҳкум. Анвар эса энди қайтмайди. Умр ўткинчи, вақт югурук. Акасининг қотилига айланган укани — ўғлини она кечира оладими?

**Аслиддин УМУРОВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.**
**Моҳира ШАКАРОВА,**
**журналист**

# «НАМАНГАНПАХТАСАНОАТ»

## ҳудудий акциядорлик бирлашмаси

Ўзбекистон халқини муқаддас байрам -
Ийд ал-Фитр - Рамазон ҳайити билан
муборакбод этади!
Дилларга поклик ва сахийлик улашувчи айём
барчага қутлуғ бўлсин.




Аллоҳ назари тушган юртимиз аҳлини
байрам билан табриклар эканмиз, тилагимиз,
осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин,
хонадонимиздан файзу барака аримасин.



Юртимизни турли
бало-қазодан Яратганнинг
ўзи асрасин!

# «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси

мусулмонларнинг қутлуғ байрами -

## Рамазон ҳайити

муносабати билан серқуёш диёримизда истиқомат қилаётган барча ҳамюртларимизни чин кўнгилдан муборакбод этади.

Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин! Юртимиздан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонимиздан қут-барака ҳеч қачон аримасин. Бахт-саодат, омад ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!





# СИНОВ МУДДАТИ БИЛАН

Туркманистон Президенти Гурбангулы Бердимуҳаммедов мамлакат Ички ишлар вазири ҳамда Республика Миллий хавфсизлик вазирини истеъфога чиқарди. «Риа новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Хўжамурод Аннагурбанов ИИВ органларида тергов ҳаракатларини олиб боришда йўл қўйилган қўпол қонунбузилишлардан хабардор бўла туриб, бунга чора кўрмаганлиги учун ишдан олинган. Миллий хавфсизлик вазирлиги раҳбари Галдимуҳаммад Аширмуҳаммедов эса ўз хоҳишига биноан, соғлиғи ёмонлашиб қолгани сабаб истеъфога чиқарилган. Эндиликда ИИВга Чоримурод Аманов, МХВга Ўразгелди Омонмуродов раҳбарлик қилади.

Таъкидлаш жоизки, Республикада жорий этилган амалиётга кўра, ҳукумат аъзоларини тайинлашда ўзига хос тартиб мавжуд. Унга кўра, тайинланаётган ҳар бир раҳбар олти ойлик синов муддати билан ишга олинади. Аннагурбанов айни шу олти ойлик синов муддати тугагач, истеъфога чиқарилган. Ўз аризасига биноан кетган Галдимуҳаммад Аширмуҳаммедов эса бу лавозимга 2004 йили Туркманистоннинг олдинги Президенти Сапармурат Ниязов даврида тайинланган. Янги Президент томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда олиб борилган «тозалаш» ишларининг акси Президент қўриқчилари хизмати бошлиғи Акмурад Режеповга ҳам таъсир қилди. Ниязов Президентлик даврида 17 йил давомида ишлаб келган ҳамда Республикада «иккинчи одам» саналган Режеповни Ниязовнинг ўлимидан сўнг Президентликка биринчи даъвогар шахс деб ҳисоблашганди.

2007 йилнинг май ойида Режепов, унинг ўғли ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бир нечта ходимлари турли жиноятларда айбланиб ҳибсга олинган. Июль ойида суд ҳукми билан Режепов 20 йилга, унинг ўғли эса 13 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

# «ПЭРЛИК УЧУН ҚАРЗ»

9 октябрь куни Буюкбританиянинг жиноят қидирув хизмати раҳбарияти Лордлар палатасида жойларни пул эвазига сотиш юзасидан очилган жиноят иши бўйича бошқа ҳеч кимга айб эълон қилинмаслигини расман билдирди. Мазкур иш оммавий ахборот воситаларида «пэрлик учун қарз» номи билан машҳур бўлиб, кенг шарҳланиб келмоқда. Қонун посбонларининг айтишича, эндиликда бунга эҳтиёж ҳам, зарурат ҳам йўқдир. Уларнинг фикрича, мазкур жиноят ишига алоқадор барча шахслар аниқланган. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш керакки, аввалроқ, яъни июль ойида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари ушбу машмашали иш марказида қолиб кетган Лейбористлар партияси аъзоларини сўроқ қилмасликларини билдиришганди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур иш 2006 йилнинг баҳорида бошланган. Лейбористлар партиясининг кўзга кўринган вакиллари партия ғазнасига катта ҳомийликлар ажратилиши эвазига Лордлар палатасида жой тақдим этишаётганлиги тўғрисида маълумотлар тарқатилганлиги тергов-суриштирув ишлари бошлаб юборилишига туртки бўлди.

Пэрлик савдосига алоқадорликда гумон қилиниб Лейбористлар партиясининг бош ғазначиси лорд Макл Леви, мактаб таълими дастури давлат фонди собиқ маслаҳатчиси Десмонд Смит, лейбористларнинг давлат тизимлари билан ҳамкорлик қилиш бўлими бошлиғи Рут Тернер ва биотехнологиялар саноатида катта бизнесга эга тадбиркор сэр Кристофер Эванс ушланганди.





# ОКРУАШВИЛИ ТОПИЛДИ

**Грузия собиқ мудофаа вазириИраклий Окруашвили адвокатининг айтишича, унинг мижози мамлакат ҳудудини тарк этмаган. Эка Беселиянинг гапига қараганда, у Окруашвили билан унинг Тбилисидаги уйида суҳбатлашган. 9 октябрь куни Ираклий Окруашвилига нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, у гаров эвазига озодликка чиқарилган. Гаров миқдори ўн миллионларни (олти миллион АҚШ доллари) ташкил этган. Аввалроқ Грузия оммавий ахборот воситаларида собиқ вазир озодликка чиқибоқ, мамлакатни тарк этди деган шов-шувлар тарқатилганди. Бироқ, унинг адвокатлари бу ахборотларни инкор этишди. Окруашвили адвокатларидан бири Гиви Папуашвилинииг айтишича, гаров нақд пулда кўчмас мулк кафолати орқали тўланган. Лекин, адвокатлар гуруҳи раҳбари бўлмиш Эка Беселия бу маълумотни инкор этиб, у ҳам, унинг мижози ҳам гаров пулини ким тўлаганлигини билмаслигини айтган. Ираклий Окруашвили 27 сентябрь куни коррупцияда айбланиб, ҳибсга олинганди. Икки кун аввал у Грузия телевидениесида интервью бериб, мамлакат раҳбариятини кескин танқид қилганди. 7 октябрь кунги сўроқ жараёнида эса Окруашвили қисман ўз айбига иқрор бўлган ва айни сўроқ жараёни давлат телевидениеси орқали намойиш этилган. Шундан сўнг суд уни гаровга чиқариб юборишга розилик билдирди, деб хабар қилади «Грузия-янгиликлари» ахборот агентлиги.**



# Пешоварда портлаш

Покистоннинг Пешовар шаҳрида рўй берган портлаш натижасида 25 киши ҳалок бўлди, кўплаб одамлар жароҳатланди. Жароҳатланганлардан тўрттаси жуда оғир аҳволда жонлантириш бўлимида ётибди. «DPA» ахборот агентлигининг хабар беришича, бомба аудио ва видеотасмаларни сотувчи дўкондаги сувни совутиб берувчи мослама ичига жойлаштирилган. Дўкон эгасининг айтишича, у бир неча бор жангарилардан дўконни ёпиш тўғрисида огоҳлантиришлар олган, лекин шунга қарамай ишни давом эттираверган. Чунки жангарилар томонидан рўкач қилинган важлар ҳеч бир мантиққа тўғри келмаган. Жангариларнинг фикрича, дўкондор аудио ва видео тасмалар билан савдо қилиб, ноисломий тижоратни амалга оширяпти экан.

Пешовар шаҳри Покистоннинг шимоли-ғарбий вилояти марказидир. Ушбу ҳудуд марказий ҳукуматга бўйсунмайдиган пуштинлар қабиласи ҳудудига чегарадош. Мазкур ҳудудда толибонларнинг таъсири жуда катта.

# Пивога қарши



**Сешанба куни Белорус ички ишлар вазирлиги мамлакат Вазирлар Маҳкамаси эътиборига янги қонун лойиҳасини киритди. Унда жамоат жойларида пиво ичимлигини истеъмол қилганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш таклифи билдирилган, дея хабар қилади «Риа новости» ахборот агентлиги. Қонун лойиҳасига кўра, юқорида кўрсатилган қонунбузарлик учун 10 база катталигидаги, яъни 150 долларга тенг миқдорда жарима қўлланилиши таклиф қилинган. База катталиги бу Белорус Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган маълум бир миқдор, айни шу кўрсатгичдан келиб чиққан ҳолда мамлакатда жарима ва тўловлар миқдори белгиланади. Унинг қўлланилиши кўп ҳолларда Ўзбекистон ёки Россия қонунчилигидаги энг кам иш ҳақи тушунчасига ўхшаб кетади. 1 база катталиги ҳозирда 31 минг белорус рублига тенгдир.**

# Гаровдагилар озод этилди



«ANSA» ахборот агентлигининг хабар беришича, Сардиния жануби-ғарбида жойлашган Пула курорт шаҳарчасида, маҳаллий почта бўлимига босқинчилик жинояти содир этилиши вақтида гаровга олинган 76 ёшли аёл ҳамда унинг ўғли италян полициячиларининг саъй-ҳаракати ўлароқ озод этилди.

Гап шундаки, беш нафар қуролланган шахс Пула шаҳри марказидаги почта бўлимига бостириб кириб, қўлида боласи бор аёл кишини гаровга олишади. Музокаралар самара бермагач, жиноятчилар ва карабинерлар ўртасида отишма бошланади. Бунинг натижасида жиноятчилардан бири ўлдирилган, учтаси ярадор ҳолда ҳибсга олинган. Бешинчиси эса воқеа жойидан қочишга уриниб, почта бўлимига яқин уйлардан бирига беркиниб олади. Айни шу уйда жиноятчи қария аёл ва унинг ўғлини гаровга олади. Бир муддат давом этган музокаралардан сўнг жиноятчи таслим бўлиб, гаровдагилар озод этилди.

# СУВ ОСТИДАГИ ТАНК

**Саксония-ангальт федерал ерида Германия армияси Бундесвернинг кечки ҳарбий машғулотлари вақтида 203-бронетанк батальони сафидаги «Leopard 2» русумли танк паромдан ағдарилиб, Эльба дарёсига чўкиб кетди. Экипаж аъзоларининг уч нафари ташқарига чиқиб олишга муваффақ бўлишган ва сапёрлар томонидан қутқариб қолинган. Тўртинчи танкчи — 23-ёшли обер-ефрейтер танкдан чиқа олмай, ҳалок бўлган. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, ҳозирда ҳалокат юз берган жойда текшириш ишлари олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, эндиликда Эльба тубидан танкни олиб чиқиш учун ўта оғир юкларни кўтарадиган махсус кран мосламалар зарур бўлади.**



# КИМ АЙБДОР?

Испаниянинг Бильбао шаҳрида бомба жойлаштирилган автомашина портлатиб юборилган. «Sky News» телеканалининг хабар беришича, портловчи модда ҳозирда мамлакатда ҳукмрон Испания социалистик партияси етакчиларидан бирининг автомашинаси остига жойлаштирилган. Террористик хуруж вақтида автоуловда сиёсатчининг тан соқчиси бўлган, етказилган жароҳатлардан у шифохонада оламдан ўтган. Полиция тахминига кўра, бу ҳаракатни Баскларнинг ЕТА жангари гуруҳи амалга оширган бўлиши мумкин.

5 октябрда Басклар мамлакатидаги Сегура шаҳрида ЕТАнинг сиёсий қаноти бўлмиш «Батасуна» партиясининг 23 нафар аъзоси ҳибсга олинганди. «ЕТА» раҳбарияти ҳукуматнинг бу ҳаракатини урушнинг эълон қилиниши сифатида баҳолаган. Ўтган дам олиш куни Бильбао шаҳрида норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишчилар Басклар мамлакати мустақиллигини талаб қилишганди.




# Директор ўғирланди

Ироқ жанубида Басра аэропорти директори номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, ишдан ўз уйига қайтаётган Абдул Раззоқ Қосим сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси жиноятчилар қўлига тушиб қолган. Ҳозирча ҳеч бир ташкилот мазкур ҳаракат учун жавобгарликни ўз зиммасига олганича йўқ ва уни озод этиш эвазига ҳеч қандай талаблар билдирилмаган.

Таъкидлаш жоизки, Басра аэропорти Ироқда катталиги жиҳатидан Боғдоддагидан кейин иккинчи ўринда туради. Аэропорт ёнида маҳаллий полициячилар ва ҳарбийларга машғулотлар ўтадиган Буюкбритания ҳарбийларининг базаси мавжуд. Умуман олганда, Басрада беш мингдан ортиқ Британия ҳарбийлари жойлаштирилган. Буюкбритания бош вазири Гордон Брауннинг қайд этишича, келаси йил бошиданоқ Басрадаги британиялик ҳарбийлар сони икки баробарга қисқартирилади.



# «Нинзя»лар талаби

Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикасида «Нинзя» отрядидаги полициячилар ўзларининг бош қароргоҳларини эгаллаб олиб, ойлик маошлари оширилишини ва отрядлари учун махсус бино ажратилишини талаб қилишмоқда, деб хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги. Қароргоҳда юзга яқин «нинзялар» мустаҳкам жойлашиб олишган. Маълумотларда айтилишича, улар ўн нафар полициячини гаровда ушлаб туришибди. Эътиборлиси шундаки, бундан бир йил аввал «нинзя»лар айни шундай ҳаракатларни амалга оширишганди. Бироқ, мамлакат раҳбарияти ҳар гал ваъдаларни бериб, бажаришга келганда пайсалга солиб келган.

Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикаси Экваториал Гвинея яқинида жойлашган кичик архипелагдир. Сан-Томе Португалиянинг собиқ мустамлакаларидан энг кичиги. Дунёдаги энг камбағал давлатлардан бири саналган Сан-Томе ва Принсипида атиги 170 минг аҳоли истиқомат қилади.

**Интернет хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади**

**Мустақиллик ўзбек тилига янги ҳаёт бағишлади, тил тарихида янги, бой ва сермазмун саҳифаларни яратди. Озодликнинг илк насими эса бошлагандаёқ ўз юртининг тарихи ва маданияти тили билан чамбарчас боғлиқ эканлигини юракдан ҳис этган Юртбошимизнинг ташаббуси билан бу соҳада жасоратли одимлар қўйилди. Бугун унинг эришган юксак рутбаси — давлат тили мақомига эга бўлишида Ислом КАРИМОВнинг бекиёс хизматлари бор.**

# Қонун тили — юридик терминлар

1989 йил 21 октябрда давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинганлиги ҳамманинг ёдида қолган воқеа эди. Рус тили миллатлараро муомала воситаси сифатида эътироф этилганига қарамасдан ўзбек тилига давлат тили мақоми қонуний ато этилганлиги ўша даврнинг ҳақиқий қаҳрамонлиги эди. 1995 йилнинг 21 декабрида «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига муайян ўзгаришлар киритилди.

Қонун бугунги кунда 24 моддадан иборат ва ўзбек тилининг мамлакатимизда устувор ҳуқуқий мақомини белгилаб беради. Тилимизнинг ривожланиши, юртимизда ва ҳатто хорижда яшаб турган ўзга миллатлар ва миллатдошларимиз томонидан ўқиб-ўрганилиши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Бир вақтнинг ўзида Қонун тил сиёсати, зўравонлик ва шошма-шошарликни ёқтирмаслиги ҳақидаги тарихий сабоқдан чиқарилган хулосани инобатга олган. Шунинг учун бошқа қардош халқлар, миллатлар тилини камситмайди, аксинча ҳар бир миллат ва элатнинг ўз тили ёки ўзи хоҳлаган, яхши билган тилда сўзлашуви, фикрлашуви, ҳатто ёзишмалар юритиш имконияти ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйилган. Аҳолининг бошқа миллатлар зич жойлашган жойларида иш юритишнинг улар учун қулай шароитларига ўрин берилган.

Ўзбек юридик тилини прокурорлик назоратида қўллаш, ҳуқуқий атамалар ва терминларни кундалик фаолиятда жорий этиш ва айниқса ёш мутахассислар — бўлажак прокурор-тергов ходимларига ўргатиш соҳасида Ўзбекистон Бош прокуратурасида ҳам кейинги йилларда алоҳида мактаб яратилди. Бош прокуратура раҳбариятининг кўрсатмалари ва бевосита иштирокида қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказининг тингловчилари ҳузурида тил дарслари ва курслари ташкил этилди, ҳар ҳафтадаги «Маърифат соатига» атоқли тилшунос олимлар, адабиётчилар, ўзбек тилининг жонкуяр намояндалари доимий равишда таклиф этилиб, мароқли учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 30 мартдаги фармойиши билан эса «Юридик атамаларнинг изоҳли луғати»ни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳ қарийб бир йил давомида ўнлаб вазирликлар, илмий муассасалар ва ўқув юртлари вакиллари, адабиётшунос ва тилшунос олимлар, амалиётчиларни жалб этиб, МДҲ мамлакатларидаги, ўзимиздаги барча луғат ва луғат яратиш билан боғлиқ катта-кичик адабиётлар ва қўлланмаларни ўрганиб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси прокуратура раҳбариятининг ташаббусини қўллаб-қувватлади ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юридик атамалар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва уларга илмий-амалий изоҳ бериш мақсадида луғатни тайёрлаш ишларини ташкил этиш бўйича комиссия таркибини тасдиқлади.

Ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ барча идоралар, олий ўқув юртлари ва вазирликлар, жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат таркибдаги комиссия яқинда ўзининг фаолиятига хулоса ясади. Бир неча ўн минг сўз ва юридик терминларни қамраб олган, изоҳли шарҳлар билан тушунтириб берилган луғат китоби «Шарқ» матбуот акциядорлик компанияси мутахассисларининг қўлига етиб борди. Луғатга прокуратура ходимлари томонидан таклиф этилган 1500 га яқин юридик терминларнинг шарҳи ҳам киритилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 июлдаги фармойиши билан нуфузли мутахассислар жамоаси масъул бўлган ушбу расмий нашр мавжуд луғатлардан фарқли ўлароқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича юридик атамаларга илмий-амалий шарҳ бериб, уларнинг турлича қўлланишининг олдини олади. Мустақилликнинг 16 йиллиги арафасида нашрга топширилган ушбу қўлланма-луғат мустақил Ўзбекистон юристлари, талабалар, зиёлилар ва барча оддий китобхонлар учун тилимизнинг, миллатимизнинг бирлиги рамзи сифатида янги туҳфа бўлади, деган умиддамиз.

**Аҳмаджон БОБОБЕКОВ,**
**тадқиқотчи**

*Тўйхат ўрнида*

# Умр зийнати



**Бугун юртимизда қутлуғ ёшини нишонлаётган, ёшларга ўзларининг ибратомуз ўгитлари билан ўрнак бўлаётган пиру бадавлат отахон-у онахонларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Уларга ҳавас қиласан гоҳо. Айниқса, улар халқ олқишига сазовор, эл-юрт учун астойдил меҳнат қилиб, бугун қарилик гаштини сураётган бўлса.**

Кўп йиллик меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида олиб борган, ўзининг меҳнатсеварлиги ва ҳалоллиги билан ҳурмат топган, инсон ҳуқуқларининг қонун олдида тенглигини таъминлашда астойдил жонкуярлик кўрсатган Любовь Михайловна Маркова ҳам бугун табаррук 70 ёшни қаршилаб турибди.

Ўз ишини севган Любовь Михайловна тиришқоқлиги ва масъулиятни ҳис этиши билан бирга камтарликни ўзига ошно билди. Бу билан у ҳамкасблари орасида танилди ва эътибор қозонди. Қонунчиликни мустаҳкамлашга қўшган кўп йиллик меҳнати прокуратура раҳбарият томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча бор муносиб тақдирланди.

Ҳурматли Любовь Михайловна!

Сизни муборак 70 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, ҳар кунингиз байрам, шодиёна бўлишини тилаб қоламиз.

**Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази**

*Ўқинг, қизиқ!*

# Энг аҳмоқона соliқлар

**Бундан икки аср олдин Россияда шундай бир солиқ тури жорий қилинган эдики, уни эшитиб, ажабланишингиз эҳтимолдан холи эмас. Рус императори Петр I томонидан ўрнатилган бу солиқ ҳаммомга тушганларга солиниб, турли табақаларга турли миқдорда белгиланганди: юқори табақадаги кишилар ва бой савдогарларга 3 рубль, ўртаҳол табақадаги кишилар учун 1 рубль, оддий деҳқонларга эса 15 тийин эди. Ана шунақа, ё тўлаб қўй, ёки ювинмасдан юравер.**

* * *

**«Ўлдир, мукофотингни ол! Бўлмаса солиқ тўла!» XVIII асрда Бюртембергда бу ибора анча оммалашиб улгурганди. Негаки ўша пайтда бу ерда чумчуқлар учун солиқ солинганди, яъни ҳар бир уй соҳиби чумчуқларни ўлдириб, 6 крейцердан пул оларди. Агар биронта ҳам чумчуқ ўлдиролмаса бунинг акси бўлиб, уй соҳиби маъмуриятга 12 крейцердан солиқ тўларди.**

* * *

**Энг машҳур солиқ тури собиқ иттифоқда жорий қилинган экан. 1941 йилда фарзандсизларга солинган бу солиқдан мақсад асосан кўп фарзандли оналарни қўллаб-қувватлаш бўлган. Буни қарангки, бу солиқ фақат собиқ иттифоқ ва Монголияда амалда бўлган экан.**




# Уч одамнинг имтиҳон қилиниши

Бухорий ва Муслим тўплаган ҳадисларда бу ҳикояни Абу Ҳузайра (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.) номидан бундай ривоят этган:

Расули Акрам (с.а.в.):

— Сиздан аввалги умматлардан уч кимсанинг абрас, кал ва кўр бўлганлари ва аҳволидан ҳикоя қилиб бераман. Аллоҳ таоло имтиҳон қилиш учун уларнинг олдига бир малак юборди. Малак олдин баданига оқ тушган, абрас касаллигига мубтало бўлганнинг олдига келди ва:

— Дунёда энг яхши кўрганинг нима? — деб сўради.

У одам:

— Танамнинг гўзал, чиройли ва силлиқ бўлишини, одамлар мени кўриб хурсанд бўладиган чирой соҳиби бўлишни яхши кўраман, энг хоҳлаган нарсам шу, — деди.

Малак абрас касаллигига мубтало бўлган одам баданини силади ва уни гўзал бир вужуд соҳиби қилиб қўйди.

Малак:

— Энди сенга давлат бераман. Қандай молни яхши кўрасан? — деди.

Абрас:

— Мен туяни жуда яхши кўраман, — деди.

Абрасга ўн ойлик урғочи бир туя бериб, малак:

— Бу туяни Аллоҳ сен учун баракали қилсин, — деб дуо қилди-да, кал бўлиб қолган одам олдига борди.

Малак калга:

— Дунёда энг яхши кўрганинг нима? — деди.

Кал:

— Энг яхши кўрганим чиройли сочли бўлиш. Калликдан қутилиш учун ҳеч нарсамни аямайман, — деди.

Малак уни ҳам тузатди, у касалликдан қутулди. Бошидан чиройли соч ўсиб чиқди.

Малак:

— Ҳозир сенга давлат, бойлик бераман, нимани хоҳлайсан? — деб сўради.

Кал:

— Сигирни жуда яхши кўраман, бир сигирим бўлишини хоҳлайман, — деди.

Унга бир сигир берилди.

Малак:

— Бу соғин сигирни Аллоҳ сен учун баракали қилсин, — деб, кал билан хайрлашиб, кўрнинг олдига борди.

Малак кўрга:

— Дунёда энг яхши кўрганинг нима? — деб сўради.

Кўр:

— Энг орзу қилганим кўзларимнинг кўришидир, — деди.

Малак уни ҳам даволади, унинг кўзлари очилди.

Малак:

— Сенга бойлик бераман, нимани яхши кўрасан? — деди.

Кўр:

— Энг яхши кўрганим қўйдир. Қўй сурувларим бўлишини истардим, — деди.

Кўрга урғочи қўй берилди. Туя бўталоқ, сигир бузоқ туғиб бердилар, қўй қўзилади. Уч одам шунчалик бойиб кетдиларки, кўп вақт ўтмай учаласининг ҳар бир водийни тўлдирадиган туялари, сигирлари, қўйлари бўлди. Ҳар бирлари бир водийга эга эдилар. Ҳаммаси моллари билан шуғулланди.

Кейин малак яна ерга тушиб, баданига оқ тушган одам олдига абрас қиёфасида келди ва:

— Эй, бадавлат инсон! Мен бир ғариб мусофирман. Кўп юрдим, менга Аллоҳризолиги учун бир туя бер, манзилимга етиб олай. Сенинг рангинг ва баданингни чиройли қилгани ҳаққи менга ёрдам бер, — деди.

Баданига оқ тушган одам:

— Берадиган нарсам йўқ, ҳамма нарсани бериб бўлганман, — деди.

Малак:

— Мен сени таниётганга ўхшайман. Сен ҳамма ҳазар қиладиган, одамлар ирганадиган абрас эмасмисан? Сен жуда камбағал эдинг. Аллоҳ сенга урғочи туя бериб, бадавлат қилмадими? — деди.

Абрас — баданига оқ тушган:

— Йўқ, у одам эмасман. Бу мол менга отамдан, бобомдан қолган, — деди.

Малак:

— Агар ёлғон сўзласанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга келтириб қўяди, — деб ундан нари кетди.

Кейин кал одам суратида калнинг олдига борди. Абрасга айтган сўзларни унга ҳам айтди, ёрдам сўради. Кал ҳам ўшандай жавоб берди.

Малак калга:

— Агар ёлғон гапирсанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга қайтарсин, — деб ундан узоқлашиб, кўрнинг олдига борди.

Кўрнинг аввалги ҳолатига кириб, кўрга:

— Мен фақир, йўқсил одамман, йўлда қолдим. Юртимга қайтишга имконим қолмади. Менга Аллоҳ ризоси учун ёрдам бер. Сенинг кўзларингни очган, равшан қилган, сенга давлат берган Жаноби Ҳақнинг ризоси учун менга битта қўй бер, — деди.

Кўр унга:

— Эй ғариб йўлчи! Мен аввал сен каби кўр эдим. Аллоҳ кўзларимни равшан қилди. Кўзларимни такрор қайтариб берди. Мен жуда фақир эдим, менга бир қўй берди, ундан давлат орттирдим, барака берди. Ҳозир кўриб турганинг — сурувларнинг ҳаммасини у берди. Унинг учун истаганингча қўй олишинг мумкин. Аллоҳ учун ҳеч нарсани аямайман, — деди.

Малак:

— Молинг ўзингга буюрсин. Аллоҳ баракатини орттирсин.

Бу сизлар учун Аллоҳ тарафидан бир имтиҳон эди. Танишларинг ҳалок бўлиб кетдилар. Улар Аллоҳ ғазабига учрадилар, — деди.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 955. 19 084 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: M.DO'STYOROVA
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 22.30 2345678

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda